

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Қўллёзма хукуқида

УДК 697.7.3

Асатов Нодир Улугбек ўғли

**“Ёш оиласар учун мўлжалланган кўп қаватли туарар-жой
биноларнинг энергия самарадорлигини оширишнинг
меморий-бадиий ва конструктив ечимлари”**

5A340201 - “Бино ва иншоотлар курилиши
(Энергия самарали бинолар)” мутахассислиги

МАГИСТР
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

“Химояга рухсат этилсин”

“Бино ва иншоотлар курилиши”

кафедра мудири т.ф.н. доц.

Н.Асатов

«2 » 02 2019 й.



Илмий раҳбар т.ф.н. доц.

Б.И.Матниязов

Жиззах - 2019й.

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИННИГ ҚИСҚАЧА АННОТАЦИЯСИ

Ушбу магистрик диссертацияси Жиззах шаҳрида қурилаётган шинамлиги юкори даражали турар жой биноларининг энергия самарадорлигини тадқиқ этиш мавзусига багишланган.

Диссертация таркиби Кириш, З та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Мавзунинг долзарбилиги шундан иборатки: Мамлакатимизда қурилиш ҳажмининг жадаллик билан ошиб бориши, энергия ресурсларидан фойдаланиш ҳажми ўсишига ва энергия ресурсларига эҳтиёж ва нарҳи ошишига ҳам олиб келади.

Республика иқтисодиёт вазирлиги ҳисобларига кўра Ўзбекистоннинг энергия вазни ривожланган мамлакатларнидан 4,7 марта ва ривожланаётган мамлакатлардан эса 1,4 марта ортиқдир.

Иқлими республикамиз иқлимига қараганда анча совуқ бўлган Европа мамлакатларида қурилаётган биноларнинг энергия истеъмоли бизнинг биноларга нисбатан анча камлиги ҳали республикамизда бу йўналишда қилинадиган ишлар кўлами анча кенглигини кўрсатади. Демак бизда бинолар энергия самарадорлигини ошириш бўйича жуда катта имкониятлар мавжуд.

Шу жиҳатлар бўйича мазкур тадқиқот мавзуси бугунги кунда энг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот ишида кўп қаватли турар жой биноларининг ташки деворлари қалинлигини 380 мм дан 250 мм га камайтириб, унинг ўрнига самарали иссиқлик ҳимоя материалларини қўллаш орқали энергия самарадорлигини ошириш истиқболли йўналиш эканлиги ҳамда бу бинонинг умумий оғирлиги камайиши ҳисобига зилзилабардошлигини ошириш учун ҳам ахамиятли эканлиги исбот қилинган.

Республикамизда кўп қаватли турар жой биноларини намунавий лойиҳалар асосида такроран кўплаб қурилишида ушбу тадқиқот натижалари қўлланилса бинолар йиллик энергия истеъмоли камайиши билан бир қаторда, қишининг қаттиқ совуқ кунлари ҳам, ёзниг жазирама иссиқ кунларида ҳам бино ичida нормал ҳарорат сақланади ҳамда бино энергия истеъмоли камайишига боғлиқ ҳолда, атроф муҳитта ажralиб чиқадиган карбонат газлар микдори ҳам шунчага камаяди.

Илмий раҳбар

т.ф.н. доц. Б.И.Матниязов

Магистрант

Н.Асатов

ANNOTATION OF THE MASTER'S DISSERTATION

This dissertational work is devoted to the study of increasing the energy efficiency of high-rise residential buildings with high comfort, under construction in Jizzakh"(on the example of a five-story residential building along Nurafshan Street).

The thesis consists of an introduction, 3 chapters, conclusions and recommendations and a list of used literature.

The relevance of this work is that the intensive increase in the volume of construction in the country, lead to an increase in the volume of energy consumption and an increase in the need and cost of energy resources.

According to the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan, the share of energy GDP in the republic is 4.7 times higher than in developed countries.

In European countries, with relative cold climates, the energy consumption of buildings is less than in buildings in Uzbekistan. This shows that Uzbekistan has large reserves and promising works to improve the energy efficiency of buildings. In this regard, the subject of this research work is relevant.

In this thesis, the use of effective heat-insulating materials in external walls is proposed, reducing their traditional thickness of 380 mm by 250 mm. This is a promising direction to increase the thermal protection of the building, reducing the overall weight of the building and increasing their seismic stability.

The application of the results of this work in the construction of multi-storey standard residential buildings allows a significant reduction in energy consumption of buildings, as well as improving the microclimate in rooms in cold winter and hot summer periods of the year. Reducing energy consumption of buildings also reduces atmospheric pollution, reducing the release of carbon dioxide.

Илмий раҳбар
Магистрант



т.ф.н. доц. Б.И.Матниязов

Н.Асатов

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
АСОСИЙ ҚИСМ	13
I Боб. Кўп қаватли турар-жой бинолари энергия самарадорлигини ошириш учун архитектуравий-режавий ва конструктив чоралардан фойдаланиш масаласининг замонавий ҳолати.	13
1.1. Энергия самарадор кўп қаватли турар-жой биноларини лойиҳалаш ва қуришнинг хорижий тажрибалари.....	13
1.2. Ўзбекистон Республикасининг бинолар энергия самарадорлигини ошириш бўйича меъёрий хужжатлари, ва хорижий тажрибани ўрганиш	25
1.3. Бинолар эксплуатациясида энергетик ресурслардан фойдаланиш самарасини ошириш.....	34
I Боб бўйича хулоса	38
II Боб. Ёш оилалар учун кўп қаватли турар-жой бинолари энергия самарадорлигини оширишнинг архитектуравий-режавий ва конструктив чоралари.....	40
2.1. Бино архитектуравий-режавий ечимларининг энергия самарадорлигига таъсири.....	40
2.2. Ўзбекистон Республикаси бозоридаги иссиқлик-изоляцион материаллари базаси таҳлили....	44
II Боб бўйича хулоса	82
III Боб. Тўсиқ конструкцияларни конструктив ечимини ишлаб чиқиши.....	83
3.1. Ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар.....	83
3.1.1. Биносининг энергия сарфи ҳисоби	86

3.2. Кўп қаватли энергия самарали турар жой биноларини лойиҳалаш бўйича тавсиялар.....	93
III Боб бўйича хулоса	95
АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ	96
ИЛОВАЛАР	

Кириш

Хозирги кунда энергияни тежаш долзарб вазифадир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси улкан табиий бойликларга эга, лекин энергетик ресурслари (манбалари) чегараланган, бунда энергиянинг юқори қиймати, ва энергия ишлаб чиқариш натижасида, атроф-муҳитга таъсир қўрсатувчи зарарли омилларнинг катта миқдори кўзга ташланади.

Ўтган аср ўрталаридан бошлаб дунё ҳамжамияти энергетик ресурслардан рационал фойдаланиш ҳисобига, энергия сарфини камайтириш йўлларини қидирмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас.

7 Республика миқёсида кўп қаватли тураг-уй биноларида энергия тежовчи тадбирларни фаол қўллаш, энергетик ресурсларни, биринчи навбатда табиий газни кўпроқ тежаш имконини беради. Айнан кўп қаватли тураг-уй биноларида энергия сарфи катталигини ҳисобга олсак, бу вазифа биринчи даражали ҳисобланади.

Кескин-минтақавий иқлим шароитида, бутун энергия сарфининг тахминан ярми уйларни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлашга тўғри келади. Бунда эскирган муҳандислик коммуникациялари ва қониқарсиз изоляция ҳисобига, бу биноларда энергиядан фойдаланиш йилига 320-680 кВт*соатни ташкил қиласи, бу қўрсаткичлар бошқа ривожланган давлатлардаги мос қўрсаткичлар қийматларидан 2-2,5 баробар ортиқдир.

Хозирги вақтда, Ўзбекистон Республикаси хукумати демографик ва ижтимоий вазифаларни ечиш борасида, тураг-уйларни аҳоли маблағлари ва ипотека кредитлари ҳисобига қуриш бўйича қатор йирик миқёсли режаларни амалга оширмоқда. Мамлакатдаги тураг-уйларнинг деярли 90% дан ортиғи 25 йил аввал қурилган ва ўз характеристикалари бўйича замонавий энергия самарадорлиги принципларига мос келмайди. Аммо, мавжуд меъёрлар ҳам бинолар энергия самарадорлигини таъминлашга тўлиқ йўналтирилмаган, бунда қурилиш қийматини камайтиришга катта эътибор берилади, бу эса ўз

навбатида бинолар эксплуатациясининг қимматлашуви ва энергия ресурсларининг ортиқча сарфига олиб келади.

Иzlаниш объекти – бу кўп қаватли турар-уй бинолари энергия самарадорлигини оширишнинг архитектуравий-режавий чораларидир.

Иzlаниш предмети – бу инновацион қурилиш материалларидан фойдаланиб, кўп қаватли энергия самарадор биноларнинг ҳажмий-режавий ечимларидир.

Диссертация ишининг мақсади – бу Ўзбекистон Республикаси шароитларида энергия самарадорлигининг замонавий талабларига жавоб берувчи, инновацион қурилиш материалларидан фойдаланиб, оптимал ҳажмий-режавий ечимларни ишлаб чиқишидир.

Кўйилган мақсадларга эришиш қўйидаги масалаларни ечишни талаб қиласди:

1. Энергия самарадорлиги бўйича меъёрий талабларни ҳисобга олган ҳолда, кўп қаватли турар-уй биноларини лойиҳалашда мавжуд архитектуравий-режавий усулларни ўрганиш.
2. Энергия самарадор кўп қаватли турар-уй биноларини лойиҳалаш ва қуришнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш.
3. Инновацион қурилиш материалларидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, ташқи тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик ҳимоя хусусиятлари таҳлилини ўтказиш.
4. Энергия самарадорлиги бўйича меъёрий талабларни ҳисобга олган ҳолда, кўп қаватли турар-уй биноларинининг оптимал режавий ечимларини ишлаб чиқиши.

Иzlаниш усуллари:

1. Кўп қаватли турар-уй бинолари энергия самарадорлигини ошириш ва инновацион қурилиш материалларидан фойдаланиш архитектуравий-режавий чоралари ҳақидаги масаланинг замонавий ҳолатини ўрганиш.
2. Энергия самарадор кўп қаватли турар-уй биноларини лойиҳалаш ва қуриш, ҳамда инновацион қурилиш материалларидан фойдаланишнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш.

3. Тўсиқ конструкцияларида инновацион қурилиш материалларидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг иссиқлик ҳимоя хусусиятларини назарий ҳисоб-китоб тадқиқотини амалга ошириш.
4. Олинган маълумотлар асосида, оптимал ҳажмий-режавий ечимларни топиш.

Ушбу диссертацион ишининг долзарблиги шунда-ки, кўп қаватли энергия самарадор турар-уй биноларини лойиҳалаш ва қуриш масаласининг замонавий ҳолати ва хорижий тажрибаларни ўрганиб чиқиб, кўп қаватли турар-уй биноларини лойиҳалашда, тўсиқ конструкциялари энергия самарадорлигининг замонавий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда, инновацион қурилиш материалларидан фойдаланиш оптимал ҳажмий-режавий ечими ишлаб чиқилган.

Диссертация иши бўйича 2 илмий техник анжумандада қатнашилди ва натижалари 2 мақолада эълон қилинган.

Тадқиқот ишининг вазифаси. Тадқиқот ишининг бош мақсадидан келиб чиқсан ҳолда қуийдагилар диссертация ишининг вазифалари этиб белгиланди:

- Якка тартибдаги турар-жой биноларининг лойиҳасини меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган иситиш учун кетадиган энергиянинг сарфланиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- Қуруқ иссиқ иқлим шароитида қурилаётган кам қаватли турар-жой биноларини энергия самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- Сарфланадиган ашёлар ҳаражатини ҳисоблаб чиқиш ва бу билан келгусида иқтисод қилинадиган энергия миқдорини ҳисоблаш;

Илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистоннинг қуруқ иссиқ иқлим шароитида қуриладиган якка тартибдаги кам қаватли турар-жой биноларининг энергия самарадорлигини оширишда унинг қуёшга нисбатан ориентациясини инобатга олиш ва ташқи

тўсиқ конструкцияларининг иссиқ изоляцияси учун қўшимча иссиқлик изоляцион материал танлаш имконини берувчи ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш ва оптимал намунавий лойиҳа ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида якка тартибдаги туарар-жой биноларининг энергия самарадорлиги, яъни кам қаватли, индивидуал лойиҳалар асосида қуриладиган бинолардан иссиқлик йўқотилиши ўрганилади. Ўзбекистоннинг қуруқ иссиқ иқлим шароитини инобатга олиб, унинг ташқи тўсувчи конструкциялардан йўқоладиган энергия сарфини ҳисоблаш, қуёшга нисбатан ориентациясини инобатга олган ҳолда иссиқлик йўқотилишининг ўзгаришини аниқлаш, “Пассив уйлар” тизимидан фойдаланган ҳолда бинонинг умумий техникиқтисодий кўрсаткичини ишлаб чиқиш ва оптимал лойиҳаларни таклиф этиш.

Адабиётлар таҳлили. Энергия ресурсларини тежаш, иссиқлик энергия самарадор биноларни лойиҳалаш ва қуриш, мавжуд биноларни энергия самарадорлигини ошириш бўйича рус олимлари д. т. н., академик ПАНИ ва МАНЭБ Геннадий Николаевич Лапин; д.т.н., профессор Виктор Александрович Путятинский, к.т.н., доцент Владимир Николаевич Панасюк; к. т. н., доцент Владимир Николаевич Панасюк; к.т.н., доцент Анатолий

Иванович Тютюнниковлар салмоқли илмий изланишлар олиб боришиган. “**Пассив уй**” институти асосчиси немис олими доктор **Вольфанг Файст** ва Швециялик Лундер университети профессори **Бо Адамсон** томонидан таклиф этилган. Доктор Вольфанг Файстни бошчилигига 1993йилда дунёда биринчи пассив уй қурилган. Олимлар фикрига кўра Марказий Европа иқлим шароитини инобатга олган ҳолда бу уйларни иситиш учун фақатгина ички энергиядан фойдаланишни кўзда тутилгани ҳолда атроф муҳит билан минимал иссиқлик алмасиниш (юқори сифатли иссиқлик изоляцион материаллар ҳисобига) имконини берувчи ва иссиқликни максимал утилизация қилишни ўз ичига олади. 1991 йил Германиянинг Дармштадтида ушбу концепцияни ўзида акс этган илк тўрт

хонали туарар-жой биноси барпо этилди. 1996 йилдан бошлаб ушбу концепция асосчилари томонидан туарар-жойларнинг ҳажмий-тархий ва конструктив ечимлари мукаммал ҳолга келгач, биргина Германиянинг ўзида ушбу туарар-жойлардан 1999 йилда 300 та, 2000 йил охиригача ушбу кўрсатгич 1000 дан ортди ва 2007 йилга келиб ушбу кўрсатгич 7000 га етди. **Беляев, Л.П. Хохлова.** “Проектирование энергоэкономичных и энергоактивных гражданских зданий” Ўкув қўлланма. (М.: Высшая школа, 1991г.) ушбу ўкув қўлланмада келтирилган фуқаро биноларни лойиҳалаш учун энергия самарали усулларни қўллаш ва “Пассив уйлар” тизими келтириб ўтилган.

т.ф.д., профессор А.Д.Жуковнинг фикрига кўра, том энергия самарадорлигига асосий жиҳат иссиқлик изольяция материалининг жойлашувиdir. Том конструкцияси қатламларининг ўзаро жойлашувининг нотўғри танланиши иссиқлик йўқотилишнинг камаймаслигига бевосита таъсир кўрсатишини асослаб, ҳарорат-намлик режимини муқобиллаштириш ечимларини тақдим этади.

т.ф.д., профессор В. А. Путятинцкийнинг маълумотига кўра, хар бир уй, микрорайон, шаҳар энергия тежамкор технологияларга ўтмагунча самарага эришиб бўлмайди.

Шунингдек, Ўзбекистонлик олимлар **Р.Ю.Маракаев, Н.Н. Норов, М.М.Зохидов, Р.Авезов, А.Ю.Ориповларнинг** фикрлари ва илмий изланишлари ҳақида қуида келтирилган.

М.М. Зохидов ва Н.Н. Норовларнинг “Жилищное строительство” журналида чоп этилган “Энергия тежамкор туарар-жой бинолари” мақоласида туарар-жой биноларида энергия тежамкорликни ошириш масаласи тадқиқ этилган ва муҳим илмий-амалий хуносалар шакллантирилган.

Ўзбекистонлик қуувчи олимлар **Р.Ю.Маракаев, Н.Н. Норовнинг** “Ўзбекистон шароитида энергия самарали биноларни лойиҳалаш”(Т.,ТАҚИ, 2009й) йўналишида ижтимоий соҳа бинолари ва туарар-жойларни

лойиҳалашда энергия тежамкорлик масалаларини кэнг ёритиб берганлар. Анъанавий ва ноанъанавий энергия манбаалари, уларнинг Ўзбекистон шароитида қўллаш, гелиобиноларни энергия самарадорлигини ошириш йўллари, уларни вариантларини танлашнинг техник-иктисодий асосларини келтириб, биноларни энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги масалаларида алоҳида тўхталишган.

Шу жумладан, **проф. Маракаев Р.Ю** муаллифлигига нашр этилган “Биноларни лойиҳалашнинг физикавий–техникавий асослари” китобида биноларни лойиҳалашдаги энергия тежамкорлик масалаларини чуқур ёритиб, Ўзбекистон Республикаси шароитидаги климатологик таъсирлар, уларни камайтириш йўллари, мавсумий ўзгаришларнинг биноларга таъсири ва янги биноларни лойиҳалашда эътибор қаратиш лозим бўлган айrim жиҳатларини кўрсатиб берган.

Шунингдек, республикамиз олимларидан **т.ф.д. проф. Р.Р.Авезов, А.Ю.Ориповлар** ҳам ноанъанавий энергиялардан фойдаланишга қаратилган “Иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қуёш системаси” (Т.,Фан 1988й.) номли китобида қуёш энергиясидан фойдаланишда ва Ахмедов Р.Б. “Традиционные и новые источники энергии” (-М.,Наука 1988г.) номли монографиясида энергия самарадорлик соҳасида кэнг изланишлар натижалари келтирилган. Энергия тежамкорликка эришишда қуёш энергияси, шамолдан фойдаланишда ўзига хос илмий–амалий методлар ишлаб чиқилган.

“Ўзбекистонда биноларнинг энергия самарадорлиги” сўровномаси (БМТнинг UNDP ҳамкорлигига СЕР дастури) натижалари: унга кўра якка тартибдаги тураг жойларнинг 90%и 20 йил аввал қурилган бўлиб, у пайтда энергия ресурсларига бўлган нарх нисбатан паст бўлганлиги сабабли биноларнинг энергия самарадорлигига унчалик аҳамият қаратилмаган: пластик ромлар, иссиқлик-изоляция материаллари, герметизациялаш чоратадбирлари ва бошқалар деярли ишлатилмаган. Ўрганилган тураг-жой биноларининг 66%ида ёғоч ромлар ўрнатилган (икки қаватли пластик

ромларнинг ўрнатилиши иссиқлик истеъмолини 20%га камайтириш имконини беради). Уй томларининг 91,7%ида иссиқлик изоляцияси мавжуд эмас. Биноларни герметизациялаш чора-тадбирлари фақатгина 60% уйларда амалга оширилган.

Тадқиқот методикасининг тавсифи. Тадқиқот ишида математик моделлаштириш, қиёслаш, Ритц усули, “Петров — Галёркин” усули, таҳлил қилиш, умумлаштириш, кузатув, ўлчаш ва экспериментал текшириш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти шундан иборатки, бино ташқи тўсиқ конструкцияларидан йўқотиладиган иссиқлик миқдори бинонинг қуёш ориентациясига боғлиқлигини математик моделлаштириш, яъни илмий асосга эга формулаларини такомиллаштириш ва физик таҳлили имконини беришдан иборатдир. Бу билан эса шу соҳа бўйича илмий услубий қўлланмалар ва дарсликларга тегишли тавсия ва қўшимчалар киритиш демакдир.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, агар бино ориентациясининг ташқи тўсиқ конструкцияларидан иссиқлик йўқотилишига таъсирини инобатга олган ҳолда ўрганилса келгусида шу турдаги якка тартибдаги турар-жой бинолари қурилиши учун намунавий лойиха сифатида хизмат қиласди.

Диссертация ишининг қисқача тузулмавий тавсифи. Диссертация иши аннотация, мундарижа, кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида ишнинг асосланганлиги ва долзарбилиги, тадқиқот обьекти ва предмети, тадқиқот мақсади ва вазифалари, унинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, тадқиқот мавзусига доир адабиётлар шарҳи, ишни олиб боришда қўлланилган методика, шунингдек, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган.

I-Боб. Кўп қаватли туар-жой бинолари энергия самарадорлигини ошириш учун архитектуравий-режавий ва конструктив чоралардан фойдаланиш масаласининг замонавий ҳолати

1.1. Энергия самарадор кўп қаватли туар-жой биноларини лойиҳалаш ва қуришнинг хорижий тажрибалари

Энергия самарадор туар-уйлар 1970 йилдаги жаҳон энергетик инқизози натижасида, қурилишнинг янги тури сифатида пайдо бўлган. Бу БМТ нинг Халқаро энергетик конференцияси (МИРЭК) мутахассислари танқидига жавоб эди, танқидда туар-уй бинолари иссиқлик самарадорлигини оширишнинг улкан заҳираларига эгалиги, лекин уларнинг иссиқлик режими шаклланиши хусусиятлари тўлиқ ўрганилмагани кўрсатилди. XX аср охиригача бўлган даврда бинолар қурилишидаги асосий масала энергия иқтисоди бўйича тадбирларни ўрганишдир. 90-йиллар бошларида фақат энергия иқтисоди мақсадидан, энергия самарадор архитектуравий-режавий ечимларни, инновацион қурилиш материаллари ва энергия самарадор тизимларни мукаммаллаштириш ва қўллаш йўли билан туар-уй биноларида қулай микроиқлим яратиш мақсадларига ўтиш юзага келди.

XXI асрда “энерги самарадорлик” деганда, атроф муҳитга кескин чиқиндиларни қисқартириш асосий мақсади бўлган, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ўтунилади.

Замонавий энергия самарадор туар-уй биноларини З гурӯхга бўлиш мумкин: пассив, нолли, фаол (актив).

1. Пассив уйлар – бу ҳатто иситиш даврида ҳам, минимал миқдордаги энергиядан фойдаланувчи уйлардир.
2. Энергиядан ноль миқдорда фойдаланувчи уйлар – бу энергияни ўзи ишлаб чиқарувчи ва уйдаги истиқомат қилувчиларнинг энергияга бўлган талабларини тўлиқ таъминловчи уйлардир.

3. Фаол уйлар – бу энергия истеъмолидан кўпроқ энергия ишлаб чиқарувчи уйлардир. Ташқи тамоқларга уланган, лекин истеъмолчи сифатида эмас, балки энергия манбаси сифатида.

Ер юзининг турли нуқталарида энергия самарадор биноларни қуриш 1974 йилдаги жаҳон энергетик инқизозидан сўнг бошланган. Шу билан бирга, биринчи кўп қаватли энергия самарадор лойиҳа аввалроқ, яъни 1972 йилда Американинг Манчестерида қурила бошлаган. Бино етти қаватга ва икки поғонали (ярусли) гаражга эга. Бинони шамоллатиш (вентиляцияси) учун энергия сарфлари ташқи ҳавонинг киришини камайтириш ҳисобига компенсацияланади. Бунга рационал режавий ечимдан фойдаланиш ҳисобига эришилади. Шунингдек, лойиҳада иссиқлик рекуператорлари ишлатилган, улар 60-75% га ҳавони совутиш ва иситиш учун энергия сарфини камайтиришга имкон беради. Табиий ёритилганлик даражаси ўзгаришига кўра, ёруғлик интенсивлигини бошқарувчи, сунъий ёритишни бошқариш тизими эса, электр энергиясини сезиларни иқтисоди имконини беради.



1-расм. Биринчи кўп қаватли энергия самарадор бино

(Манчестер, АҚШ, 1972 йил)

“Никулино-2” микрорайонидаги күп қаватли турар-үй лойиҳаси, Москва шаҳар хўжалигида энергияни сақлаш муаммосини ечишга йўналтирилган. Лойиҳа 1998-2002 йилларда Россия Федерацияси Мудофаа Вазирлиги ва Москва шаҳри ҳукумати билан биргаликда қурилган. Лойиҳа реализациясида лойиҳачилар қуидаги фикрларга асосланған.

1. XXI аср энергия сақлаш сиёсати – тикланувчи ноодатий энергия манбаларидан фойдаланувчи архитектуравий ечимлар ва технологияларни қўллашга асосланған.
2. Бино бир бутун энергетик тизимдир, унинг барча элементлари – тўсиқ конструкциялари, иситиш тизимлари, шамоллатиш ва конденсациялаш тизимлари ўзаро боғлиқдир, шунга кўра лойиҳа бир қатор энергия сақловчи ечимларнинг оддий йигиндиси сифатида намоён бўлади, лекин микроиқлим сифатини бир вақтда оширишда энергия тежашнинг қўйилган мақсадида яхши жавоб берувчи, техник ечимларни илмий усууллар билан танлаш натижаси бўлиши керак.
3. Энергия тежовчи технологияларни танлашда, бир вақтнинг ўзида хоналар микроиқлимини яхшилашга кўмак берувчи техник ечимлар афзалликка эга.




2-расм. “Никулино-2” микрорайонидаги кўп қаватли энергия самарадор туар-жой

Нью-Йорк шаҳридаги “Twenty River Terrace” биноси Гудзон дарёси қирғоғида жойлашган бўлиб, у 27 қаватли туар-үйдир. Бинода бир вақтнинг ўзида хоналар микроиклими сифатини ошириш учун, энергиянинг самарали истеъмолига йўналтирилган ечимлардан фойдаланилган. Сувни тежашга катта эътибор берилган.

Шу бинони қуришда қайта ишланган ёки қайта эксплуатация қилинган қурилиш материалларидан кенг фойдаланилган. Лойихачилар фикри бўйича, бундай бино фақатгина инсонлар яшами учун қулай шароитлар яратибгина қолмасдан, балки уларнинг яшаш мухитини ҳам яхшилаши керак. Лойиха муаллифлари бу бинони ҳаётни таъминловчи бино принциплари билан мос лойихалangan биринчи туар-уй биноси деб атashadi. Энергия самарадор чоралардан фойдаланиш натижасида, талабларга нисбатан энергия истеъмолининг 35% га камайиши, шунингдек, CO₂, SO₂ ва NO₂ каби

ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқишининг сезиларли пасайиши кутилмоқда.



3-расм. “Twenty River Terrace” биноси, бино фасадига ўрнатилган қүёш панелларидан фойдаланиш

1970 йиллардан бошлаб, энергия самарадор бинолар қуриш амалиётида, уларга қўйилувчи талаблар шаклланди:

1. Ижтимоий;
 - Қулай атроф мұхитни яратиш;
 - Кўп хонадонли уйларда ҳаёт даражаси сифатини ошириш;
 - Туарар-уй бинолари эксплуатациясида иқтисод.
2. Экологик ва энергетик;
 - Тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш;
 - Табиий материаллар ва ёқилғидан фойдаланиш миқдорини камайтириш;
 - Қайта ишланувчи материаллардан фойдаланиш;
 - Сув ресурсларидан қайта фойдаланиш;
 - Хонадонда қулай микроиклимини яратиш;

- Архитектуранинг ташқи муҳитга негатив таъсирини пасайтириш, зарарли чиқиндиларни камайтириш.

3. Иқлими;

- Лойиҳалашда маҳаллий иқлим шароитларига алоҳида эътибор бериш лозим, улар атроф муҳит қулайлиги ва хонадондаги микроиқлим даражасини оширишга кўмак беради. Иқлим хусусиятларини ҳисобга олиш, энергия самарадорлиги даражасини оширишда муҳим рол ўйнайди.

- Бинолар жойлашуви (ориентацияси) ни шундай танлаш лозим-ки, бунда турар-уй биноларида иссиқлик ва ёруғликни таъминловчи радиациядан максимал фойдаланиш мумкин бўлсин, яъни жанубий томонда фасадни ойнавандлашни кўпайтириш, шимол томонда эса камайтириш лозим. Хорижий архитектурада, энергия самарадорлик характерини аниқловчи муҳим омил – бу айнан иқлим аспектидир. Шунингдек, маҳаллий рельефга, иқлимга (куёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш), бино шакли ва унинг жойлашувига, ҳамда ҳажмий-режавий ечимда замонавий технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Энергия самарадор турар-уй биноларни замонавий лойиҳалашда, қуёш радиациясидан фойдаланувчи тизимлардан кенг фойдаланилмоқда. Ундан турар-уй биноларини иситиш ва иссиқ сув билан таъминлашда фойдаланилади, айрим ҳолларда эса, бундай ечим фуқароларнинг энергияга бўлган талабини тўлиқ қондиради.



4-расм. Балконлардан энергия манбалари сифатида фойдаланиш мисоллари

Тураг-уйда шамол энергиясидан фойдаланишга мисол – бу Лондондаги “Strata” тураг-уй биноси. Унинг баландлиги 147 метрни ташкил қилади. Бинонинг юқори қисмида 3 турбина ўрнатилган. Ҳар бир турбинада учтанинг ўрнига, бешта паррак бор, бу шовқин ва вибрацияни камайтиришга имкон беради. Албатта, турбиналар бинони талаб қилинган энергия билан тўлик таъминлай олмайди, лекин бошқа энергия тежовчи тизимлар билан биргаликда, бундай ечим энергия истеъмолини 10% га камайтиришга имкон беради. Бино бутун йил давомида шамол энергиясидан максимал фойдаланиш учун шундай жойлаштирилган.



5-расм. Лондондаги “Strata” турар-үй биноси, аньанавий манбаларни иқтисод қилиш учун шамол энергиясидан фойдаланиш

Иссик иқлим шароитида кучли қуёш ҳимояси зарур ва “Аль – Бахар” минорасида ишлатилган ечим аъло даражадаги мисол бўла олади. Ички хоналарни 50 градусли иссиқдан ҳимоя қилиш учун, мухандислар фасад устида тилласимон катакли тўшамани жойлаштиришни ўйлаб топишиди, бу катаклар ёритилганликка кўра, очилади ва ёпилади. Катакларни очиш даражаси компьютерда аниқланади: эрталаб тўлиқ очик ҳолатдан туш вақтида, тўлиқ ёпилишгача.



6-расм. Фаол қүёш ҳимояси деб номланувчи “Аль – Бахар” минораси

Ҳар йили қўп сонли “ақлли” тураг-уйлар ва “яшил” қурилмалар пайдо бўлмоқда. ZCB (Zero Carbon Building, “угленордон газ нолли чиқиндили бино” сифатида) ўзида барча хусусиятларни жамлаган. Гонконгда Рональду Лу янги данғиллама иморати – бу манифест-бинодир.

ZCB каркаси қайта ишланган материаллардан тайёрланган. Данғиллама иморатнинг шарқий ва гарбий фасадлари унча катта эмас, қўёш батареялари билан қопланган асимметрик том эса бинони жанубдан тўлиқ ҳимоя қиласи ва “ўзини соялатиш” га имкон беради. Шимолий фасад шамолнинг йўналишига очик, бу эса табиий вентиляциядан фойдаланиш имконини яратади. Бундай жойлашув ва режа, ҳамда микроклиматни ақлли тизим ёрдамида бошқариш билан биргаликда 45% гача энергияни тежайди.

Агарда қўёш энергияси етмаса, биодизелдан фойдаланиш мумкин. Назарий жиҳатдан, данғиллама иморат йил давомида истеъмол қилувчи энергиядан кўпроқ энергияни ишлаб чиқиши керак – ортиқча энергия шаҳар энерготизимига юборилади ва секин-аста қурилишда ажralган угленордон газ микдори қопланади.



7-расм. Қайта ишланган ва қайтадан ишлатилувчи қурилиш материалларидан, ҳамда энергия самарадор режавий ечимдан фойдаланилган “ZCB” биноси

Энергия самарадорлиги бўйича рекордчи бўлган “Pearl River Tower” биноси Хитойда жойлашган. Бино фасаддаги қуёш коллекторлари билан ҳам, ҳаво турбиналари билан ҳам жиҳозланган. Деворларнинг ноодатий конструкцияси ҳаво массалари энергиясидан максимал самарали фойдаланиш имконини беради. Шамол генераторлари атиги тўртта. Улар тўртта шамол-энергетик турбиналар бўлиб, уларнинг ҳар бир ғилдираги 6 метрли диаметрга эга. Уч қават даражасидаги ҳаво харакати тезлиги унчалик катта эмаслигига қарамасдан, шамол ускуналари самарадорлиги юқори: муҳандислар фасаднинг қарама-қарши томонлар орасидаги тешик орқали ўтuvчи елвизак шамол самарасидан фойдалана билганлар. Шундай қилиб, ҳаво оқими тезлиги икки марта ортади.

Гарбий ва шаркий фасадларга ўрнатилган фотоэлектрик қуёш панеллари ҳам бино учун энергия “ишлаб чиқарадилар”. Улар бинонинг юқори қисмида ҳам бор. Қуёш батареяларининг йиғма майдони ҳар бир фасадга 1500 кв.м.дан

ортиқ. Фотоэлектрик панелларнинг йигма қуввати 300000 кВт га яқин. Хладоагент циркуляцияси каналлари қисман оптимал совутишни таъминлайдилар (улар бинони тешиб ўтадилар). “Қисман” – чунки иншоотнинг жанубий қисмидаги ойналар совутишга ўз хиссасини қўшади – улар икки қават ойнали ва ойналараро вентиляцияга эга. Бундан ташқари, ойналарга жалюзилар ўрнатилган, уларнинг ламеллари ҳолати Қуёшнинг осмондаги харакатига кўра автоматик тарзда ўзгаради. Ва барчасига якун сифатида – бинони қуёш нурлари билан иситиш алоҳида конструкцион материалларни камайтиради. Лойиха мукаммалигининг чегаравий даражасига эришишга “ҳаёт прозаси” халақит берди: маҳаллий электр тармоқлари вакиллари бино эгасига умумий фойдаланиш тармоғи орқали электр энергиясини улашга рухсат бермадилар. Бу тўқнашув тоши лойиха жараёни ишга тушиб бўлганида аниқланди. Асосан, айнан шунинг учун, архитекторлар “нолли” углерод-нейтрал бино яратиш мақсадига эришиш насиб қилмади.

1. архитектуравий кўринишига боғлиқ эмас ва ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.
2. 1990 йиллар охири ва 2000 йиллар боши. Архитектура бино шаклига таъсир кўрсата бошлади. Туар-уйлар ўзида юқори технологиялар ва замонавий архитектурани бирлаштиради.
3. Замонавий босқич – 2010 йилдан бошлаб. Архитектура ва энергия самарадор технологиялар ягона тизимни ифодалайди. Эндиликда муҳандислик тизимлар, масалан, қуёш панеллари ва шамол турбиналари бинога шакл, ҳамда шаҳарсозлик даражасидан бошлаб, бинонинг архитектуравий-эстетик қурилмасигача бўлган архитектуравий ечимни беради.



8-расм. Күп қаватли энергия самарадор “Pearl River Tower” биноси, Хитой
Энергия самарадор бинолар ва лойиҳалар устида ўтказилган таҳлил натижаларида хориждаги энергия самарадор архитектура шаклланишида учта босқични ажратиш мумкин:

4. 1970 йиллар – биноларнинг иссиқлик-техник характеристикаларига асосий эътибор қаратилган (тўсиқ конструкцияларнинг иссиқлик узатишга қаршилиги, қуёшдан ҳимоя деразалар коэффициенти, ойнавандлик майдони ва х.к.). Муҳандислик тизимлари бинонинг

1.2. Ўзбекистон Республикасининг бинолар энергия самарадорлигини ошириш бўйича меъёрий хужжатлари, Ўзбекистондаги энергия истеъмолига бўлган меъёрий талаблар ва хорижий тажрибани ўрганиш

2011 йилда Архитектура ва қурилиш Давлат қўмитаси томонидан бино ва иншоотлар энергия самарадорлиги ҳақидаги масалаларга тегишли қурилиш меъёр ва қоидалари қайта ишланди. Айнан КМК 2.01.04-97* «Қурилиш иссиқлик техникаси», КМК 2.01.18-2000* «Бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва конденсациялашга энергия сарфи меъёр (норматив) лари», шунингдек, Ўзбекистон Республикасида қурилаётган бинолар энергетик самарадорлигини ошириш ва оптималлаш мақсадидаги бир қатор бошқа КМК ва ШНКлар. Лойиҳаларда энергия сақловчи архитектуравий-режавий ва техник ечимларни жорий қилиш бўйича янги меъёрий ҳолатларнинг катта миқдори киритилган. Шунингдек, биноларда энергия сарфи меъёrlари ҳам камайтирилган. Қайта ишланган меъёrlарга қўшимча равиша, 2012 йилда лойиҳалаш бўйича янгиликлар киритилган қўлланма нашр қилинди.

Қурилиш обьектлари энергетик самарадорлигини ошириш бўйича киритилган талаблар КМК ва ШНК меъёрий хужжатларида бор: ШНК 2.08.02-09* «Жамоат бинолари», КМК 2.01.04-97* «Қурилиш иссиқлик техникаси», КМК 2.04.05-97* «Иситиш, шамоллатиш ва конденсациялаш», КМК 2.08.04-04* «Маъмурий бинолар», КМК 2.03.10-95* «Томлар».

КМК 2.01.04-97* «Қурилиш иссиқлик техникаси»

КМК 2.01.04-97* «Қурилиш иссиқлик техникаси» да кўрсатилган талабларга турли аҳамиятга эга, янги ва реконструкцияланувчи бино ва иншоотлари (туар-уй, жамоат, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик иншоотлари ва омборлар) тўсиқ

конструкцияларини (ташқи ва ички деворлар, тўсиқлар, тўшамалар, чердак ва қаватлараро тўсинлар, поллар, тешикларни: деразалар, эшиклар, фонарлар, дарвозаларни тўлдириш) ички ҳавонинг меъёрий температураси ёки нисбий намлик билан лойиҳалашда риоя қилиниши керак.

КМК 2.01.04-97* «Курилиш иссиқлик техникаси» да бино ва иншоотларни лойиҳалашда йилнинг иссиқ даврида иссиқлик сарфини қисқатиришга оид умумий ҳолатлар ва тавсиялар келтирилган, улар ўз ичига қуидагиларни олади:

- тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик узатишга қаршилиги;
- поллар юзасининг иссиқлик ютиши;
- тўсиқ конструкцияларининг ҳаво ва буғ ўтказишига қаршилиги.

2012 йилда «ToshiyjoyLITI» АЖ лойиҳа ташкилоти томонидан, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ташкилотлари муҳандис-техник ходимлари учун «Курилиш иссиқлик техникаси бўйича янги энергия сақловчи ечимларни лойиҳалаш бўйича қўлланма (КМК 2.01.04-97* учун)» ни ишлаб чиқди, унда қуидаги масалаларга эътибор берилган:

- Энергияни сақлаш бўйича янги талабларга риоя қилган ҳолда, бино иссиқлик ҳимоясини лойиҳалаш кетма-кетлиги келтирилган. Иссиқлик ҳимояси даражасини танлаш, лойиҳаланаётган бино учун ташқи ва ички параметрлар ҳисоб-китоби услубияти келтирилган. Танланган даражага мос равища, бинонинг энергияни сақловчи иссиқлик ҳимоясини лойиҳалаш бўйича ҳолатларга аниқлик киритилган;
- Уч хил турдаги ташқи деворларнинг самарали иссиқлик изоляцияси бўйича ечимлар келтирилган: штукатуркаланган фасадли; фасадли экран; иссиқлик изоляциясига эга юзали ғиштли;
- Биноларни қуёшдан ҳимоялаш бўйича ечимлар, қуёшдан ҳимояловчи қурилмалар характеристикалари; деразаларни қуёшдан ҳимоялаш услуги ва ҳисоб-китоб мисоллари келтирилган;

- Бинода талаб қилинган инфильтрацияли ҳаво алмашинувини таъминлаш бўйича лойиҳалаш ва техник ечимлар келтирилган. Тўсиқли конструкцияларнинг пар ўтказувчанлигини текширишга мисол келтирилган.

Ушбу қўлланма лойиҳачиларни мос лойиҳа ечимини танлаш ва хисобкитоб қилиш бўйича услубий тавсиялар, ҳамда лойиҳалаш учун ёрдамчи ва маълумот материаллари ва лойиҳа ечимлари мисоллари билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бинолар энергия самарадорлигини ошириш масалаларини ечишда иссиқлик ҳимоясини меъёрлашнинг умумий принципларига эътибор бериш зарур. Бугунги кунда амалда бўлган КМК 2.01.04-97* тўсиқли конструкцияларнинг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилигини пропорционал оширишга асосланган, энергия самарадорлигини унсурли ошириш усулини тавсия қиласди. Бошқача қилиб айтганда, бинонинг барча ташқи тўсиқли конструкциялари алоҳида унсур (элемент) ларга бўлинади (ташқи деворлар, чердакли тўсиқлар ёки қопламалар, цоколли тўсиқлар, дераза, эшиклар ва х.к.), ва бу унсурларнинг ҳар бири учун иссиқлик узатишнинг чегаравий мумкин бўлган коэффициентлари ўрнатилади.

2011 йил августида қабул қилинган ўзгаришлар киритилган КМК 2.01.04-97* «Қурилиш иссиқлик техникаси» нинг қайта нашрида, қурилиш обьектлари энергия самарадорлигига қўйилган талаблар бўйича фарқланувчи, иссиқлик ҳимоясининг учта даражаси кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, энергия самарадорлиги бўйича биринчи даража минимал ҳисобланади, лойиҳаланаётган обьект учун иссиқлик ҳимояси даражасини танлаш жараёнини, КМК ҳолатларига кўра, лойиҳа учун иккинчи ёки учинчи даражани танлашнинг муҳимлиги, имконияти ва мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқишдан бошлаш тавсия қилинади.

Бугунги кундаги мавжуд меъёрий талаблар турар-уй бинолари, тиббий муассасалар, болалар, ҳамда таълим муассасалари қурилиши, реконструкцияси ва капитал таъмирида иссиқлик ҳимоянинг иккинчи даражасини қабул қилишга мажбур қиласди, агарда бу ишлар давлат ёки

маҳаллий бюджетлар ҳисобига амалга оширилса ёки иссиқлик ҳимоянинг ушбу даражаси юқоридаги обьектлар лойиҳаси топшириғида ўрнатилган бўлса. Бинонинг иссиқлик ҳимояси иккинчи ёки учинчи даражасини иқтисодий мақсадга мувофиқлик мавжудлигида қабул қилиш тавсия қилинади.

Ушбу меъёрий хужжатнинг кўзга ташланувчи камчилигига ташқи тўсиқ конструкциялар орқали фақат стационар иссиқлик узатиш кўриб чиқилган. Бошқача қилиб айтганда, ушбу меъёрда тизимли ёндашув мавжуд эмас. Шунингдек, бинолар иссиқлик ҳимоясининг меъёrlанган даражалари энергияни сақлашнинг замонавий талабларига мос келмаслиги ҳам камчилиkdir. Амалдаги КМК «Қурилиш иссиқлик техникаси» да шундай банд бор, унга кўра бино иссиқлик ҳимоясини, биринчи даражага қараганда, юқорироқ даражада лойиҳалашда, тўсиқли конструкцияларнинг алоҳида турлари учун, тўсиқларнинг бошқа турлари термик қаршилиги ошишида биринчи даражали R_0^{tp} ни қабул қилишга рухсат берилади.

Бинонинг барча тўсиқли конструкциялари орқали иссиқлик йўқотиш йифиндиси иссиқлик ҳимоясининг лойиҳаланган даражаси учун ўрнатилган жадвалдаги R_0^{tp} қийматлари бўйича ҳисобланган сарфлардан ошмаслиги лозим. Бу банд иссиқлик ҳимоянинг иккинчи ва учинчи даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўяди, чунки энергия самарадорлигини оширишга рационал ёндашувда, ўхшаш натижаларга эришиш мумкин, лекин маблағларнинг камроқ сарфи ва келгусида ўзини-ўзи қоплаши холатида. КМК 2.01.04-97* «Қурилиш иссиқлик техникаси» нинг яна бир муҳим камчилиги – бу иссиқлик изоляцион ишларни бажариш харажатларининг турли-туманлигидир. Маълум-ки, девор тўсиқли конструкциялар иссиқлик изоляцияси том тўшамалари ва биринчи қават поли изоляциясидан анча қимматдир. Масалан, Овропа мамлакатларида, хусусан Олмония ва бир қатор бошқа мамлакатларда, том тўшамалари ва биринчи қават поли иссиқлик изоляцияси деворлар иссиқлик изоляциясидан уч марта арzonроқдир.

1.2.1. КМК 2.01.18-2000* «Бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва конденсациялашга энергия сарфи меъёр (норматив) лари»

1-сонли ўзгаришли КМК 2.01.18-2000* «Бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва конденсациялашга энергия сарфи меъёр (норматив) лари» Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура курилиш қўмитасининг 2011 йил 12 июлдаги буйруғи билан тасдиқланган.

Ушбу меъёрий хужжатда иситиш $q_0^{\text{тр}}$, Вт/м² ва вентиляция $q_v^{\text{тр}}$, Вт/м² учун иссиқликнинг умумий сарфи меъёрий қийматлари келтирилган.

Иситиш тизими орқали ҳавоси иситилувчи турар-уй биноларида иситиш ва вентиляция учун иссиқлик чегаравий сарфининг ягона кўрсаткичи $q_{ov}^{\text{тр}}$, Вт/м² меъёри кўрсатилган.

Йилнинг иссиқ даври учун конденсациялаш учун совуқ чегаравий сарфининг $q_k^{\text{тр}}$, Вт/м² меъёри кўрсатилган.

2000 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида бинолар иссиқлик самарадорлиги қишининг энг совуқ вақтида, ташқи ҳавонинг аниқ температурасида иссиқлик сарфи катталиги бўйича назорат қилинади. Хисоб-китоб параметрларига мос равишда бино бўйича барча иссиқлик ҳимоя тадбирлари, иситиш ва вентиляция тизимлари, ёзги вақтда эса конденсация тизими ишлаб чиқилади. Бинонинг 1 м² умумий майдони учун иссиқлик сарфининг максимал мумкин бўлган параметрлари КМК 2.01.18-2000* да, ҳамда ташқи шароитларда КМК 2.01.01-94 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар» да келтирилган параметрлар бўйича меъёрланади.

Иссиқлик сарфига риоя қилишнинг текшируви иссиқлик энергияси сарфининг ҳақиқий ва меъёрий қийматларини таққослаш йўли билан амалга оширилади. 2012 йилда Насонов Е.А. раҳбарлигида, лойиҳа, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ташкилотлари муҳандис-техник ходимлари учун, КМК

2.01.18-2000* га «Энергия сарфининг янги меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда, биноларни лойиҳалаш бўйича қўлланма» ишлаб чиқилди, унда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилди:

- Туарар-уй, жамоат, маъмурий-маиший ва ишлаб чиқариш биноларини иситиш, шамоллатиш ва конденсациялаш учун энергия сарфининг янги меъёрлари риоя қилиш усуслари ва энергия истеъмолини меъёrlаш принциплари тўлиқ ёритилган;
- Биноларда иссиқликни йўқотиш сабаблари келтирилган ва энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича асосий тадбирлар санаб ўтилган;
- Ушбу КМК да келтирилган жадваллар бўйича ҳам, аниқ бино учун ҳам алоҳида шахсий энергия сарфининг меъёрий қийматларини аниқлаш бўйича тавсиялар берилган;
- Лойиҳаланаётган бинони иситиш ва вентиляциясига иссиқликнинг меъёрий чегаравий сарфлари, ҳамда конденсациялаш учун совуқнинг меъёрий сарфларини ҳисоблаш услублари ва мисоллари келтирилган;
- Бинонинг ёруғлик тешиклари минимал зарурий (меъёрни аниқловчи) ҳисобкитоби кетма-кетлиги ва мисол келтирилган.

КМК 2.01.18-2000* «Бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва конденсациялашга энергия сарфи меъёр (норматив) лари» нинг камчиликларига қўйидагилар киради:

- Бинолар энергия самарадорлиги қишининг энг совуқ вақтида, ташқи ҳавонинг аниқ температурасида иссиқлик сарфи катталиги бўйича назорат қилинади, жаҳон амалиётида эса майдоннинг метр квадратига иссиқлик энергиясининг йиллик сарфидан фойдаланиш қабул қилинган;
- Бинонинг иссиқликни тўплаш хусусиятини ошириш ҳисобига, йирик тўсиқ конструкциялар ташқи изоляциясида пассив қуёш иситгичлари хиссасини ошириш ҳисобга олинади.

Вентиляция ҳажми эски меъёрлар бўйича қабул қилинган: бир соат мобайнида бир марта ёки бир кишига соатига 60 м^3 , Овропанинг


ривожланган мамлакатлари, масалан Фарангистон ва Олмонияда бир соат мобайнида 0,4-0,5 марта ҳаво алмаштирилади (зарурий санитар-гигиеник тадқиқотлар ўтказиш натижасида қабул қилинган, бу тадқиқотлар хоналар микроиқлими ва инсонлар соғлиғига заарли таъсирлар йўқлигини аниқлади). Тураг-уй биноларида вентиляцияланувчи ҳавонинг ҳажми қийматини бундай камайтириш бир марталик ҳаво алмаштириш иқтисодий жиҳатдан ортиқчалиги, ва кундузи оиланинг катта қисми уйда бўлмаслиги билан тушунтирилади;

- Энергия сақловчи бинолар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун меъёрий хужжатлар – келажакда энергия иқтисод бинолар лойиҳасини ишлаб чиқишида аниқловчи бўлган, самарали архитектуравий ечимлар бўйича мос маҳсус меъёрларни ҳисобга олмасдан тузилган. Биринчи даражали эътибор архитектуравий ечимга берилади, чунки архитектуравий-режавий тузилманинг яхши ўйланган танловига кўра, иссиқлик сарфини минималлаштириш самарасига ва иссиқлик изоляцион материалларнинг иссиқлик ҳимоя хусусиятларидан самарали фойдаланишга эришилади;
- Ташқи иссиқлик изоляцияси бажарилган тураг-уйлар учун иситиш даври давомийлиги қисқароқ бўлади, демак, иситиш давридаги ўртacha температура ҳам паст бўлади. Бундан келиб чиқади-ки, энергия самарадор бинолар учун иситиш даври градус-сутка қиймати оддий уйларга нисбатан камроқ бўлади;
- Иситиш ва вентиляцияга энергия сарфининг қабул қилинган меъёрлари хорижий меъёрларга нисбатан анча юқори.

1.2.2. Хорижий мамлакатлар энергия истеъмоли меъёрларининг тадқиқоти

2000 йиллар бошларидан яқин давргача энергия ресурслари нархининг ортиши, шунингдек, келажакда конларнинг қуриши кузатилмоқда, ҳамда тобора кучайиб бораётган экологик муаммолар факатгина бизнинг республикамизда эмас, балки бутун жаҳон бўйича, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича қатъий чоралар қабул қилишга мажбур

қилмоқда. Айниқса, бу Овропа Иттифоқи давлатлари мисолида яққол күзга ташланади. Тахминан 20-25 йилда бир қатор Овропа давлатларида энергия истеъмоли чегараси 3 мартадан кўпроқقا камайтирилди. Овропа давлатларида бинолар энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган фаол ҳаракатларнинг бошланиши Овропа Иттифоқининг 93/76/ЕЭС директивасининг қабул қилинишидир. Бу хужжат бинолар энергия истеъмолини камайтириб, уларнинг энергия самарадорлигини ошириш йўли билан, парник газлари чиқиндиларини камайтириш бўйича ишларни ўтказишга тавсиялар беради. Шу директивага кўра, биноларнинг энергетик паспортизацияси, бинони иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув билан таъминлаш, самарали иссиқлик изоляцияси учун энергия сарфини аниқлаш, шунингдек, булардан ташқари, энергия ресурсларини иқтисод қилиш бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтирилган харажатларнинг давлат субсидиялари билан таъминланиши лозим. 2002 йилда бинолар энергия самарадорлигини оширишда кейинги қадам қўйилди: ЕС 2002/91/ЕС (EPBD) директиваси қабул қилинди, у бинолар энергетик паспортизациясининг зарурлигини кўзда тутувчи, мажбурий характерга эга. Паспортизациялаш мақсади – иссиқлик ҳимояси ва энергия истеъмоли кўрсаткичларини, ҳамда бу кўрсаткичларнинг лойиха қийматларига мослигини аниқлашдир. Ҳозирги вақтда, Овропа Иттифоқи ҳудудида жойлашган биноларнинг энергия сертификацияси бинолар энергетик самарадорлиги рейтинги асосида амалга оширилади, бу рейтинг энергия истеъмоли катталигига кўра аниқланади ва **кВт.соат/м²** йил билан ифодаланади. Рейтингга кўра, бинога энергетик самарадорликнинг А синфидан (25 кВт.соат/м^2 йилдан камроқ ёки тенг истеъмолда) то G синfigача (450 кВт.соат/м^2 йилдан катта истеъмолда) бўлган сертификат берилади.

Энергетические характеристики зданий Поле, где указывается рекомендуемая процедура по энергетической сертификации	Расчетное значение энергопотребления
Высокая энергоэффективность  A B C D E F G Не энергоэффективное	C
	130 кВт·ч/м ² в год
Поле, где приводится дополнительная информация по показателям и энергопотреблению здания	
Административная информация: адрес здания, обусловленная область, дата выдачи сертификата, имя и подпись лица выдавшего сертификат	

9-расм. Бинонинг Овропа энергетик сертификати намунаси

Ушбу паспорт бўйича бино эксплуатацияси учун зарурый йиллик энергия истеъмоли ўлчамини аниқлаш мумкин, айнан: иситиш, сув иситиш, конденсация ва вентиляция, ёритиш ва х.к.лар учун энергиялар.

2010 йил 19 майда Европарламент томонидан қатъий 2010/31/EU-сонли EPBD директиваси қабул қилинди, у 2020 йилгача Овропа Иттифоқининг барча давлатларида жорий қилиниши керак. Маълум-ки, энергия истеъмолининг 40% и бинолар хиссасига тўғри келади, шунинг учун, уларнинг энергия самарадорлигини ошириш энергия истеъмолини қисқартиришнинг асосий омили ҳисобланади. Шу мақсадда, янги стандартнинг ушбу редакцияси 2012 йил 1 февралдан амалдадир. Овропа Иттифоқи қонунчилигига кўра, ОИ давлатларининг миллий стандартлари кўринишидаги янги директивалар ҳолатини қабул қилиш 2014 йилгача таъминланиши, бу стандартларни мос равишда жорий қилиш эса, 2020 йилгача амалга ошиши керак.

Янги директиванинг асосий ҳолатлари, Овропа Иттифоқи давлатлари худудларида, ўлчами ва майдонидан қатъий назар, барча биноларда

тикланувчи манбаларни қўллаш ҳақидаги ушбу директива бўлимларидан фойдаланиш рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда, миллий стандартларнинг шаклланишини, шунингдек, бинолар муҳандислик тизимлари назоратини кенгайтиришни қўзда тутади.

Ушбу директивага кўра, янги бинолар энергия самарадорлиги кўрсаткичлари 2020 йилда нолли бинолар (яъни нолли энергия истеъмолига эга бинолар) га мос бўлиши керак. Маъмурий ва жамоат бинолари учун эса 2018 йилда.

Шундай қилиб, Овропа Иттифоқи давлатларида иситиш, сув билан таъминлаш ва энергия истеъмолининг бошқа турлари учун энергияни камроқ сарфловчи биноларнинг энергия истеъмолини пасайтириш даражалари режалаштирилган. Нидерландия, Дания, Норвегия, Олмонияда 2020 йилгача бинолар энергия истеъмолини 2010 йилдаги даражага нисбатан тахминан 3 марта камайтириш қўзда тутилган. Энергия истеъмолининг ўртacha кўрсаткичи сифатида, расмий равишда $15 \text{ кВт.соат}/\text{м}^2$ йил сони кўрсатилади. 2030 йилда янги қурилган бинолар учун энергия истеъмолининг ноллик даражасини киритиш режалаштирилган, яъни бинолар шахсий манбалари ҳисобига энергия билан таъминланади. Энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги иккита аввалги директиваларни амалиётга жорий қилиш ва углеводороднинг юқори нархлари бу режаларнинг ҳаётга тадбиқ этилишига умид уйғотади.

1.3. Бинолар эксплуатациясида энергетик ресурслардан фойдаланиш самарасини ошириш

Энергетик ресурсларнинг қимматлашувига кўра, иситиш, электр энергияси, сув ва газ тарифлари ҳам қундан-қунга ўсмоқда. Бу ўз навбатида, эксплуатация ва биноларга хизмат кўрсатиш бўйича оддий истеъмолчилар харажатларининг ошишига олиб келади.

Бундан келиб чиқиб, бу муаммони ечиш катта қизиқиш уйғотади, чунки биноларни оптималлаш натижасида, биноларнинг кулайлик

даражасини ошириш, бинолар эксплуатация ва ёқилғи-энергетик ресурслари харжатларини камайтириш каби күпгина мұхим масалаларни ечиш мүмкін. Энергиядан самарали фойдаланиш - харжатларини камайтириш, самарали иқтисодиёт, келгуси авлод учун тикланмайдыган ресурсларни сақлаш, парник газлари ва бошқа заарли моддаларни атмосферага чиқаришни камайтириш ҳисобига атроф-мухитни сезиларли яхшилашга имкон беради. Ташқи түсиқли конструкциялар орқали иссиқлик энергияни йўқотиши, бино ўлчамларига кўра (кенглиги ва баландлиги), уларнинг муносабати, түсиқли конструкцияларда ишлатилган материалларга боғлиқ равишда, умумий иссиқлик сарфининг 20-60% гача бўлган чегарани ташкил қиласди, бунда 95% носаноат иссиқлик сарфи мавжуд бинолар, муҳандислик иншоотлари ва коммуникациялари эксплуатацияси жараёнида юзага келади

Демак, бинолар энергия самарадорлигини оширишда асосий роль түсиқли конструкцияларга тегишли. Улар ўз навбатида, энергетик ресурслар ва юқори самарадор қурилиш материалларидан, айниқса, маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиш талабларига жавоб бериши, ҳамда географик ва иқлимий шароитларга мос келиши лозим. Шунингдек, бино – бу ягона энергетик тизимлигини эътиборга олиш зарур, унинг эксплуатацион харжатлари фақатгина самарадор түсиқли конструкциялар билангина эмас, балки рационал ҳажмий-режавий ечим, муҳандислик тизимлари, турар-уй фонди ҳолати, ҳамда табиий иссиқлик узатилиши билан ҳам характерланади. Бинолар иссиқлик ҳимоясига юқори шартлар бир қатор ишланмалар ва тадбирлар мажмуасини қабул қилишни талаб қиласди. Кўп қаватли турар-уй биноларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиши мақсадида, бир қатор масалалар ечимиға йўналтирилган тадқиқотлар ўтказилади, хусусан:

- юқори иссиқлик изоляцион ҳусусиятига эга түсиқли конструкциялар иссиқлик ҳимояси усулларини ўрганиш;
- паст энергия истеъмолига эришиш учун биноларни қуришда энергия самарадор технологияларни ўрганиш;

- кўп қаватли туар-уй биноларини иситиш ва шамоллатиш тизимларини лойиҳалашдаги муаммоларни ўрганиш ва х.к.

Бундан қўринади-ки, энергия самарадор кўп қаватли туар-уй биноларини лойиҳалашда устувор йўналишлардан бири – бу:

- ташқи тўсиқли конструкциялар иссиқлик ҳимоясини самарали қурилиш материалларидан фойдаланиш ҳисобига мукаммаллаштириш, ҳамда рационал ҳажмий-режавий ечимни лойиҳалаш ҳисобига пассив иссиқлик ҳимоясини мукаммаллаштириш.

Кейинги бобларда, энергия самарадор кўп қаватли туар-уй биноларини лойиҳалашда қабул қилинувчи тадбирлар қўриб чиқилади, уларга қуидагилар киради:

- биноларнинг архитектуравий-режавий ечимларини мукаммаллаштириш;
- бинолар қурилиш конструкцияларини мукаммаллаштириш;
- бинонинг қўлланилувчи муҳандислик тизимларини мукаммаллаштириш;
- бино лойиҳасига ноанъанавий энергия манбаларини жорий қилиш.

Ҳажмий-режавий ва конструктив тадбирлар бинолар эксплуатациясида энергетик ресурсларни ортиқча сарфлашдан пассив ҳимоя каби қўриб чиқилади.

Энергия самарадор қурилишнинг замонавий амалиётида ноанъанавий энергия манбалари кенг қўлланилмоқда, булар қуёш батареялари, геотермал манбалар, сувнинг кўтарилиш энергияси, шамол энергияси ва х.к., замонавий қурилиш материаллари, ҳамда пассив ҳимоя усуллари.

Пассив ҳимояга, аввало, биноларнинг ҳажмий-режавий ечимлари, ҳамда бинолар тўсиқ конструкцияларини мукаммаллаштиришда акс этувчи конструктив чоралар киради. Бундай чоралар ички фазонинг атроф-муҳитдан иссиқлик изоляцияси даражасини оширишга имкон беради. Совуқ даврда иссиқлик йўқотиш ва йилнинг иссиқ даврида биноларнинг исиб кетиши пасаяди. Энергия самарадор кўп қаватли туар-уй биноларини лойиҳалашда пассив ҳимояни қўллаш – энергетик ресурслар сарфини камайтириш муаммоларини ечишда муҳим масалалардан биридир. Ушбу муаммони ечиш

муҳимлиги билан боғлиқ равишда, Овропа Иттифоқи давлатларида қурилиш регламентлари самарадорлигини ошириш мақсадида турли тадқиқотлар ўтказилади. Буларга қуйидагилар киради:

- EPBD 2010 директивада кўрсатилган ва бинонинг энергетик самарадорлигини оширишга имкон берувчи янги талабларни жорий қилиш усулларининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари.
- Ягона овропача ҳисоб-китоб услубини, энергиянинг тикланувчи манбалари улушкини ишлаб чиқиш. Кейинчалик бу усулни стандарт кўринишида киритиш кўзда тутилган.
- Инновацион тизимларни ҳисобга олиш мақсадида бинонинг энергия истеъмолини ҳисоб-китоб қилиш усулларининг муҳимлиги.
- Энергияни сақловчи муқобил тизимлар самарадорлигини таққослаш учун муҳандислик ускуналари ишлаш графигини стандартлаштириш.
- Бинолар герметиклигини ўлчаш ва таъминлашнинг оддий усулларини яратиш.
- Биноларни иссиқ сув билан таъминлаш учун сарфланувчи энергия миқдорини ҳисоблаш ва назорат қилиш учун қўшимча аналитик усулларни ишлаб чиқиш.
- Бинодаги электр энергияси истеъмолининг назорати усулларини мукаммаллаштириш.
- Энергия истеъмолини камайтиришга мойилликнинг самарали усули сифатида, бинолар даражасида энергияни қўшимча ҳисоблаш учун тизимларни ишлаб чиқиш.

Бу талаб бино муҳандислик тизимларини янги принципда лойиҳалашга олиб келиши мумкин.

I боб хulosалари:

1. Энергия самарадор қурилиш 1970 йилдаги энергетик инқирози натижасида бошланган. Энергия ресурсларининг етишмаслиги энергия сақловчи технологияларни ривожлантиришга инсониятни чорлади. Энергия самарадор бинонинг биринчи лойихаси реализациясидан бошлаб, бу технологиилар ривожланди ва ҳозирги кунда замонавий технологиилар энергия истеъмоли паст бўлган, умумий энергия тизимга ўзи энергия етказувчи биноларни яратиш имконини беради.
2. Энергия истеъмолини меъёрлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг асосий меъёрий хужжатлар - КМК 2.01.18-2000* «Бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва конденсациялашга энергия сарфи меъёр (норматив) лари», КМК 2.01.04-97* «Қурилиш иссиқлик техникаси» ва бошқа меъёрий хужжатлар.
3. КМК 2.01.04-97* «Қурилиш иссиқлик техникаси» бинолар иссиқлик ҳимоясининг учта даражасини кўзда тутади, биринчи даража минимал хисобланади. Ушбу КМК бир қатор сезиларли камчиликларга эга. Иссиқлик ҳимоясининг меъёрий даражалари энергия сақлашнинг замонавий талабларига мос келмайди, шунингдек, иссиқлик изоляцион ишларни бажариш учун энергия сарфлари хисобга олинмаган.
4. КМК 2.01.18-2000* «Бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва конденсациялашга энергия сарфи меъёр (норматив) лари» биноларда қулай шароитларни таъминлаш учун зарур иситиш, шамоллатиш ва конденсациялашга умумий энергия сарфининг меъёрий қийматлари кўрсатилган. Ушбу меъёрий хужжатнинг асосий камчилиги – бу иситиш ва шамоллатиш учун энергия сарфининг қийматлари анча юқори.
5. 2000 йиллар бошларидан Овропа Иттифоқи давлатларида бир қатор меъёрий хужжатлар қабул қилинган. ЕС 2002/91ЕС (EPBD) директивасига кўра, Овропа Иттифоқи давлатлари худудида қурилаётган бинолар энергетик паспорт билан таъминланиши лозим. Бундай чорадан мақсад, иссиқлик ҳимояси ва энергия истеъмоли кўрсаткичларини, ҳамда

бу кўрсаткичларнинг лойиҳа қийматларига мослигини аниқлашдир. 2020 йилга келиб, Овропанинг барча давлатларида энергия истеъмолига қатъий талаблар киритилиши режалаштирилган. Масалан, Голландия, Дания, Норвегия ва Олмонияда бинолар энергия истеъмолини тахминан 3 марта гача камайтириш режалаштирилган. 2030 йилда қайта қурилаётган бинолар энергия истеъмоли даражасини нолга тенглаштириш режалаштирилган.

П -Боб. Ёш оиласар учун кўп қаватли турар-жой бинолари энергия самарадорлигини оширишнинг архитектуравий-режавий ва конструктив чоралари.

2.1. Бино архитектуравий-режавий ечимларининг энергия самарадорлигига тъсири

Инсоният ривожининг замонавий босқичида ва хусусан қурилиш тармоғида энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш зарурияти кўзга ташланади.

Энергия сақлашнинг бош масаласи – бу энергетик ресурслар сарфини максимал мумкин бўлган минималлаштириш билан, бинода инсонлар яшами учун қулай шароитларни таъминлашдир. 21 аср углеводород хом-ашёсидан ноанъанавий энергия манбасидан фойдаланишга ўтишнинг ўзига хос давридир. Нефть ва газ сингари анъанавий энергия манбалари заҳиралари тугаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу коммунал тўловларнинг ошишига олиб келади ва энергиянинг муқобил манбаларини қидириш ва ривожлантириш жараёнига туртки бўлади. Шундан келиб чиқиб, қурилиш соҳасидаги ривожлантириш йўналишлари – бу энергия самарадор биноларни лойиҳалаш ва қуришдир. Бунга бинолар иссиқлик сарфини камайтириш ва қурилишнинг экологик қисмларини хисоб-китоб қилиш шарти билан эришиш мумкин.

Энергия самарадор биноларни лойиҳалаш бир қатор омиллар тўпламини ўз ичига олади, уларнинг биргаликдаги реализацияси жамиятни энергия самарадор бинолар билан таъминлаш имконини беради. Бу омилларга қуйидагилар киради:

- биноларнинг архитектуравий-режавий ечимлари;
- самарали муҳандислик тизимлари;
- биноларнинг иссиқлик самарадор тўсиқли конструкциялари;
- қурилиш-монтаж ишлари сифати назорати тизими.

Шунингдек, амалдаги энергия сақловчи технологиялар қиймати ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

1980-1990 йилларда хорижий давлатларда энергия сақловчи технологияларнинг узлуксиз ривожланиши бошланди, улар қуидаги энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига, бинолар энергия тизимининг нормал ишлашини қисман ва ҳатто түлиқ таъминлашга имкон беради:

- қуёш энергияси ва гелеотизимлар;
- шамол энергияси;
- замонавий иситиш ускуналари;
- иситишнинг нурсимон тизимлари;
- шамоллатишнинг айланма тизимлари;
- самарали қурилиш материаллари.

Санаб ўтилган технологияларни Ўзбекистон Республикасида оммавий жорий қилиш ҳозирги кунда долзарб йўналишдир, лекин бу технологияларнинг қимматлиги сабабли, доимий бўлмаган амалиётдир.

Кўп қаватли турар-уй бинолари қурилишининг дунё амалиётида қуидаги тенденциялар афзалликка эга:

- юқори қаватли бир секцияли уйлар қурилиши (барча томонлама йўналишли, кўп секцияли бинолар билан таққослаганда, катта кенглик, битта зинапоя-лифт бўгинидан фойдаланиш);
- кенг корпусли бинолар қуриш;
- барча ечимлар қулайлиги ва хавфсизлиги даражасини ошириш;
- янги лойиха ечимларидан фойдаланиш;
- донали девор материалларидан фойдаланиб, тўлиқ йиғма уй қурилишидан, йиғма-монолит ёки тўлиқ монолит қурилишга ўтиш;
- самарали муҳандислик тизимларидан фойдаланиш;

1970 йиллардан бошлаб, бизнинг давримизгача, энергия самарадор бинолар лойихаси бўйича асосий талаблар шаклланди:

- биноларни жануб томонга йўналтириш;
- бинонинг жануб томонида ойна-деразаларни тўплаш;
- иситишнинг автобошқарилувчи худудий тизимидан фойдаланиш;
- бошқа бинолар соясининг таъсирини камайтириш;

- ёзги даврда бинонинг исиб ва қишки даврда совиб кетмаслиги учун унинг конструкцияси иссиқлик барқарорлигини таъминлаш;
- иссиқлик самарадор тўсиқли конструкциялардан фойдаланиш.

Хозирги вақтда қуйидаги талабларга жавоб берувчи, бинолар лойиҳасининг янги принципларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилган:

- иқтисодий;
- экологик;
- юқори қулай;
- энергия самарадор;

Бино иссиқлик энергияси истеъмолининг чегаравий хисоб-китоб катталигини камайтириш қуйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

- ташқи тўсиқларнинг камроқ майдонини таъминловчи, бурчаклар сонини камайтирувчи, бинолар кенглигини оширувчи, кўп секцияли бинолар йўналишидан ва рационал жойлашувидан фойдаланувчи, ҳажмий-режавий ечимларни ўзгартириш,
- қўшни биноларнинг ишончли яқинлигини таъминлаш билан биноларни тўсиш;
- меридиаль ёки унга яқинроқ бўлган йўналишдаги фасадлар билан бинони жойлаштириш имконияти;

Турли ҳажмий-режавий, архитектуравий, конструктив ечимлар ҳисобига, бинонинг иссиқлик режимини турлича аниқлаш имконияти туғилади.

Бино режаси шакли фақатгина архитектуравий хусусиятларга эмас, балки бинонинг энергия самарадорлигига ҳам таъсир кўрсатади. Демак, энергия самарадор биноларни лойиҳалаш жараёнини ҳажмий-режавий ечимлар таҳлилидан бошлаш зарур.

Энергия самарадорликни ошириш чораларига қуйидагилар киради:

- ташқи деворларнинг чегаравий периметри кўрсаткичини камайтириш $\text{м}/\text{м}^2$ (ташқи тўсиқли конструкциялар периметри кўрсаткичининг қават майдонига нисбати);

- компактлик коэффициенти қийматини камайтириш K_e (m^2/m^3);
- бино корпуси кенглигини ошириш.

Чизик параметрли бино моделини қуриш – бино айланма йиғинди майдонини баҳолаш, шу билан бирга иссиқлик йүқотишни баҳолаш имконини беради.

2.2. Ўзбекистон Республикаси бозоридаги иссиқлик-изоляцион материаллари базаси таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида иссиқлик изоляцион материалларни маҳаллий ишлаб чиқариш билан хорижийларини етказиш билан шугулланувчи етарлича кўп сонли фирмалар мавжуд. Уларга қуидагилар киради: «Ales-Penobeton» масъулияти чекланган жамият, «Vermika» компанияси («Термострой» иссиқлик изоляцион тўлдирувчи), «Xorijqurilish Tehnologiya» масъулияти чекланган жамият (пенобетон), «Javohir Grand Biznes» хусусий корхонаси (ИЗОКОМ ЕВРОМАТ изоляцион матлари), «Vermi Style Plus» масъулияти чекланган жамият (VERMIDEK S иссиқлик изоляцион тўлдирувчи), «Vodiy Ulqurji Sanoat Savdo» масъулияти чекланган жамият («ISOVER» иссиқлик изоляцион материали), «Global Sim Logist» масъулияти чекланган жамият (фольгали шишасимон пахта), «Комтехторг» хусусий корхонаси (ПСБ-С кўпикли полистирол плиталар), ТИ ва К Назаров заводи Очиқ Акциядорлик жамияти (Теплит-В пахтали иссиқлик изоляцион плиталар), «Prestij inter'er» хусусий корхонаси (ISOVER иситгичлари), «Folgoizol Kafolat» масъулияти чекланган жамият (фольгоизол), «SMS» масъулияти чекланган жамият, «Trance Energy» масъулияти чекланган жамият («ISOVER» иссиқлик изоляцион материали), «Standart Izolat Servis» масъулияти чекланган жамият, (пенополиуретан (ППУ)), Хорижий корхона «Altus invest» масъулияти чекланган жамият, «Isollat- Tashkent» масъулияти чекланган жамият, «Izopol» хусусий фирма (пенополиэтилен Izopol), «Ko'ksaroy Muhandis Progress» масъулияти чекланган жамият, «TEXNO DAT» масъулияти чекланган жамият, (эструдзион пенополистирол «ПЕНОПЛЭКС»), Кўшма корхона "ISOCOM" масъулияти чекланган жамият (эструдзион кўпикли полиэтилен), Кўшма корхона «ELEKTROIZOLIT» масъулияти чекланган жамият (базальт тола ва унинг махсулотлари), URSA GEO иситгичлари, «RAHNAMO» компанияси («Kashif уют» иссиқлик изоляцион қоплама), «Vermiculite Trade — Ташкент» (вермикулит).

Ўзбекистонда фойдаланиш учун тавсия қилинган иссиқлик изоляцион материаллар турли хусусиятларга ва аниқ, ишлаб чиқарувчи тавсия қилган фойдаланиш соҳасига эга.

Таҳлил жараёнида қуидаги келтирилган иссиқлик изоляцион материалларнинг асосий характеристикалари ўрганилди.

Пенобетон (кўпикли бетон)

Пеноблоклар (2.1-расм) ва пенобетон деворлар, тўсиқлар, тўсиқли конструкцияларни қуриш учун турар-уй ва иншоотлар қурилишида қўлланилади. Бундан ташқари, пенобетон поллар, деворлар, музлатгич камералар ва муҳандислик коммуникациялари иссиқлик изоляциясида, шунингдек, сабзавотлар омбори қурилишида кенг ишлатилади.



2.1-расм

Анъанавий қурилиш материаллари асосий физик-техник кўрсаткичларининг пенобетон билан таққослаш.

2.1-Жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги, м.	Қурилиш ғишти		Қурилиш блоклари		Пенобетон
		тупроқ ли	силикат ли	керамзитобет он	газобет он	
Зичлиги	кг/м ³	1550-1700	1700-1950	900-1200	600-800	200-1200
1м ² девор массаси	кг	1200-1800	1450-2000	500-900	200-300	70-900

Иссиқлик ўтказувчанл ик	Bт/m2	0,6-0,95	0,85- 1,15	0,5-0,7	0,18- 0,28	0,05-0,38
Совуққа чиdamлилик	цикл	25	25	25	35	35
Сув ютиши	% масса бўйича	12	16	18	20	14
Сиқиша чиdamлилик чегараси	MПа	2,5-25	5-30	3,5-7,5	2,5-15	2,5-7,5

Бозорда пеноблокларнинг турли маркалари тавсия қилинган:

- ички тўсиқлар учун пеноблоклар, зичлик бўйича маркаси: D100 - D300;
- иссиқлик изоляцион аҳамиятли пеноблоклар, зичлик бўйича маркаси: D400-D500;
- конструкцион + иссиқлик изоляцион пеноблоклар, зичлик бўйича маркаси: D600 - D900;
- конструкцион пеноблоклар, зичлик бўйича маркаси: D1000 - D1600.

«Термострой» иссиқлик изоляцион тўлдирувчи

«Термострой» қурилиш (шу жумладан, хусусий қурилиш)да тўлдирувчи сифатида хизмат қиласди. Бўшлиқлар, деворлараро фазолар, чердакли тўсинларни тўлдириш учун ишлатилади. Девор конструкцияларида вермикулитли тўлдирувчилар хоналарни исиб ва совиб кетишдан ҳимоялаш учун, музлатгич камералар, печлар изоляцияси учун, авиацион ва автомобиль двигателлари синов камералари изоляцияси учун, кинозаллар ва киностудияларда шовқинни ютиш учун ва х.к. ларда ишлатилади (2.2-расм).



2.2-расм. «Термострой» тўлдирувчи

Вермукулит тўлдирувчили 20 см ли қатлам иссиқлик ҳимояси бўйича 1,5 м қалинликдаги ғиштли девор ёки 2 м қалинликдаги бетон деворга эквивалент. Чердакли тўшамаларда 5 см қалинликдаги вермикулит тўлдирувчилар қатлами иссиқлик сарфини 75% га, 7,5 см қалинликдагиси эса – 85% га ва 10 смлиси – 92% га камайтиради.

«Термострой» қуидаги хусусиятларга эга:

- сочма зичлиги: 110-120 кг/м³;
- зарарсиз, экологик тоза табиий махсулот;
- ёнмайди, чиримайди, моғорламайди;
- зараркунандаларнинг ривожланиши учун нокулай мухит;
- енгил, 1 м³ оғирлиги 120 кг га teng;
- паст иссиқлик узатувчанликка эга - 0,04 - 0,062 Вт/м.К.

Упаковкаси: 8 кг ли полипропилен қоп.

ИЗОКОМ ЕВРОМАТ изоляцион матлари

ИЗОКОМ ЕВРОМАТ – зинапояли бирлашган (3.3-расм) юқори зичликдаги экструзион пенополиэтилен листлардир. Қуидагилар учун ишлатиш мумкин:

- пойdevорлар, йўлакчалар иссиқлик изоляцияси учун;
- бино ва иншоотларнинг цоколь қаватлари иссиқлик изоляцияси учун;
- иссиқ ва қулай полларни ўрнатишда;

- сэндвич-панеллар конструкциясида чидамли, экологик тоза иситувчи сифатида;
- оғма томни иситишда;
- товуш ўтказмаслик чун (қаватлараро қопламалар ва ички түсіклар);
- ер остида жойлашган конструкцияларни иситишда (бассейн, автоном газ таъминоти, септиклар ва х.к.)



3.3-расм. ИЗОКОМ ЕВРОМАТ сэндвич-панеллар конструкцияларида ИЗОКОМ ЕВРОМАТ нинг асосий афзаликлари:

- чиримайди;
- монтажи оддий ва қулай;
- чеккалари зинапояли, бу эса плиталар уланган жойида намликтинг ўтишига имкон бермайди.

2.2-Жадвал

Техник характеристикалар	
Характеристика номи	Аҳамияти ва ўлчами
ГОСТ 7076-99 бўйича иссиқлик ўтказувчанлик	< 0,035 Вт/(м0С)
Термик қаршилик (1 мм.қалинликда)	>0,031 м2 ОС/Вт
Фойдаланиш температураси	-600 Сдан то +80 0С гача
Ёнувчанлик гурӯҳи	ГОСТ 30244-94 бўйича Г2
Тутун ҳосил қилиш хусусияти	ГОСТ 12.1.044-89 бўйича Д2

Алангаланиш гурухи	ГОСТ 30402-96 бўйича В1
24 соат давомида ҳажм бўйича сув ютиши	2%
Буғ ўтказувчанлиги	0 мг/м ч Па

ИЗОКОМ ЕВРОМАТ қўйидаги стандарт тур ўлчамларида ишлаб чиқарилади:

2.3-Жадвал

Рулон ўлчамлари	Қалинлиги, мм	Кенглиги, см	Узунлиги, м
ИЗОКОМ ЕВРОМАТ	20	60	120
ИЗОКОМ ЕВРОМАТ	30	60	120
ИЗОКОМ ЕВРОМАТ	40	60	120

VERMIDEK S иссиқлик изоляцион тўлдирувчи

VERMIDEK S ни (2.4-расм) иссиқлик изоляцион махсулотлар, товушни ютувчи материаллар, шу жумладан, авиация ва автомобилсозлик, енгил бетонлар, манзарали штукатур аралашмалар тайёрлаш учун ишлатилади. Бундан ташқари, VERMIDEK S обойлар, резиналар, пластмасса, бўёқлар, заҳарли химикатлар тайёрлашда, антифрикцион материаллар ишлаб чиқаришда ҳам ишлатилади. У газсимон ва суюқ саноат чиқиндилари учун адсорбент бўлиши мумкин. Атом энергетикасида гамма-нурланишлар акслантирувчиси ва кимёвий унсурлар, масалан, стронций-90, цезий-137, кобальт-58 радиофаол изотоплари нурларини ютувчи сифатида ишлатилади.



2.4-расм. VERMIDEK S иссиқлиқ изоляцион түлдирувчи
VERMIDEK S иссиқлиқ изоляцион түлдирувчи хусусиятлари:

- сув ютишнинг юқори коэффициентига эга 400-530 (100 г вермикулит 400-530 мл сувни ютади);
 - биологик барқарор: микроорганизмлар таъсири остида ёйилмайди ва чиримайди, ҳашаротлар ва кемиравчилар учун қулай шароитга эга эмас;
 - кимёвий инерт: ишқорлар ва кислоталар таъсирига нейтрал;
 - фойдаланиш температураси -260°C дан то +1200°C гача.
- «ISOVER» иссиқлиқ изоляцион материали

ИЗОВЕР (ISOVER) иситгичи – шишасимон тола ва синтетик боғловчи асосидаги замонавий иссиқлиқ изоляцион материал. Плита ва рулонлар шаклида ишлаб чиқарилади. ИЗОВЕР турли қурилиш ишларида кенг тарқалган: каркасли деворлар, қаватлараро тўсиқлар, оғмали томлар ва х.к.ларни иситиш. ISOVER иситгичи турли маркаларда ишлаб чиқарилади: (2.4-2.6-жадваллар).

2.4-жадвал
Шишасимон толали «ISOVER OL-KA» том иссиқлиқ изоляцияси характеристиклари

Изделие	Толщина, мм	Ширина, мм	Длина, мм	Теплопроводность, Вт/мК			Прочность на сжатие при 10% деформации, кПа
				λ_{25}	λ_A	λ_B	
OL-KA	OL- K- 30	30	1180	1550	0,035	0,037	60
	OL- P	70 - 150	1190	1380			35

Иссиқлик изоляцион материал турли зичликдаги иккита изоляцион қатламдан ташкил топган: юқори қатlam ISOVER OL-K-30, пастки қатlam ISOVER OL-P.

Иссиқлик изоляцион «пирог» нинг қўшимча вентиляцияси учун, юқори қатlam сифатида вентиляцион тешикчаларга эга ISOVER OL-K-30-UPO материали ишлатилади (2.5-расм).



2.5-расм. «ISOVER OL-KA» шишасимон толали том иссиқлик изоляцияси
курилмаси

2.5-жадвал

Қалин штукатурка қатламли фасадларни иситиш учун ISOVER OL-A ва OL-E
қаттиқ плиталари характеристикалари

Название	Размеры, мм	Толщина, мм	m^2 в упаковке	Теплопроводность, Вт/м°С			R , м 2 С/Вт
				λ_0	λ_A	λ_B	
OL-E	600 x 1200	50	5,76	0,035	0,036	0,040	1,25
		70	4,32				1,75
		100	2,88				2,50
		120	2,16				3,00
		150	1,44				3,75
OL-A	600 x 1200	50	5,04	0,035	0,037	0,041	1,22
		70	4,32				1,71
		100	3,60				2,44
		120	2,16				2,93
		140	2,16				3,41
POLTERM 80	500 x 1000	50	4,0	0,040	0,042	0,045	1,11
		80	3,0				1,78
		100	2,0				2,22
		120	1,5				2,67

Вентиляцияли фасадлар конструкцияларида иссиқлик изоляцияси учун
эластик плиталар ва рулонлар характеристикалари

Название	Размеры*, мм	Толщина, мм	Теплопроводность, Вт/мК			Паропрони- цаемость, мг/м.ч.Па
			λ_0	λ_A	λ_B	
KL-E	565 x 1220	50 - 100	0,039	0,040	0,045	0,59
565- KL	565 x 1170	50 - 200	0,037	0,039	0,044	0,58
610- KL	610 x 910	42 - 150	0,037	0,039	0,044	0,58
565- KL-A	565 x 1220	50 - 150	0,035	0,037	0,041	0,57
KT	575 x 4200 -11100	50 - 150	0,037	0,039	0,044	0,58

ISOVER иситувчили рулонлар ва плиталарнинг ташки кўриниши 2.6-расмда ифодаланган.



2.6-расм. ISOVER KT рулонлари ва ISOVER KL плиталари

Фольгали шишасимон пахта

Фольгали шишасимон пахта – бу иссиқлик изоляцион материал бўлиб, унинг бир томони алюминий фольга билан қопланган (2.7-расм).



2.7-расм. Фольгали шишасимон пахта

Фольга қатлами материални чангдан ҳимоялайди ва буғ изоляцияси функциясини бажаради. Иситувчи цилиндрли юзалар иссиқлик ва буғ

изоляцияси учун ишлатилади, айнан: қувурлар, буг қувурлари, вентиляция каналлари, тутун мўрилари, оғма томлар, деворлар, қозонлар, резервуарлар. Уни шунингдек, сауна ва ҳаммомлар қуришда ишлатиш мумкин. Бундан ташқари, материал аъло даражадаги товуш изоляцияси хусусиятига эга (ўрта ва паст частотали товушларни яхши ютади) ва қийин деформацияланади.

Теплит-В пахтали иссиқлик изоляцион плиталар

Теплит-В пахтали иссиқлик изоляцион плиталар (2.8-расм) барча турдаги биноларнинг вентиляцияли фасадларини иссиқлик изоляцияси сифатида ишлатиш учун мўлжалланган.



2.8-расм. Теплит-В пахтали иссиқлик изоляцион плиталар

Плиталар тайёрланган материал қуйидаги характеристикаларга эга:

- зичлиги, кг/м³, 100 – 120 дан ортиқ эмас;
- иссиқлик ўтказувчанлик, Вт/м0К, 0,037 дан ортиқ эмас;
- 10%-ли деформацияда сиқилишга чидамлилик, кПа, 10 дан кам эмас;
- сорбцион намланишдан сўнг, 10%-ли деформацияда сиқилишга чидамлилик, кПа, 9 дан кам эмас;
- қатламлар кўчишига чидамлилик, кН/м², 4 дан кам эмас;
- буг ўтказувчанлик, мг/(мчПа), 0,35 дан ортиқ эмас;
- сув ютиш (ҳажм бўйича), %, 1,5 дан ортиқ эмас;
- масса бўйича намлик, %, 1 дан ортиқ эмас;

Фольгоизол

Фольгоизол (2.9-расм) коррозия, чириш ва ультрабинафша нурланиш таъсирига чидамли.



2.9-расм.Фольгоизол

Фольгоизол эксплуатациясидаги температура - 40°C дан то + 120°C гачани ташкил қилади.

Эксплуатация муддати – 20 йил.

Фольгоизол тайёрлашда қўлланилган алюминий фольганинг қалинлиги 0,014мм.

Ўзининг асосий функциясини аъло даражада бажарувчи маҳсулот: бинони сувдан ҳимоялайди. Лаборатория синовлари ва қўллаш тажрибалари натижалари ишончлилик ва узоқ муддатлигини тасдиқлайди.

Пенополиуретан (ППУ)

Пенополиуретан (ППУ) - деворлар, пол, тўсиқ, қувурлар, ҳамда музлатиш ускуналари учун замонавий қурилишда ишлатилувчи энг самарали иссиқлик изоляцион ва экологик тоза материаллардан биридир (2.10-расм).



2.10-расм. Пенополиуретан ишлаб чиқариш

Пенополиуретан емирилмайди, нейтрал ҳидли, замбуруғ ва моғор билан қопланмайди, эритувчилар, кислота ва ишқорларга чидамли, экологик

хавфсиз, метал коррозиясиغا сабаб бўлмайди – эксплуатациянинг катта муддатига эга.

ППУ билан чанглатиш – иссиқлик ва гидроизоляцион қопламалари яратишнинг энг келажаги порлок усулидир, айниқса, қурилиш иссиқлик изоляцияси учун, қуйидаги сифатларга эга:

- иссиқлик ўтказувчанликнинг энг паст коэффициенти;
 - паст зичлик;
 - юқори адгезион чидамлилик;
 - мустаҳкамловчи унсурларга зарурияти йўқ;
 - юқори акустик ППУ изоляция;
 - совуқлик кўприкларининг йўқлиги;
 - бассейн, пойдеворлар, турли ҳажмлар каби қурилиш конструкциялари произоляцияси.

Пенополиуретан хусусияти ва характеристикалари.

Пенополеуретан иссиқлиқ изоляцион материаллар орасида энг кам иссиқлиқ үтказувчанлик ($l=0,022 \text{ Вт}/\text{м}^{\circ}\text{C}$) ва юқори гидроизоляция хусусиятларига (99% гача ёпиқ ғоваклар) эга, булар уни түшама материал сифатида ишлатишга имкон беради. ППУ кислоталар ва ишқорий мұхитларға кимёвий нейтралдир. Ёнувчанлик синфи Г2. Пенополиуретан кимёвий бирикмаларға нисбатан юқори чидамлика эга.

2.7-жадвал

ППУ характеристикаларини бошқа иссиқлик изоляторлари билан таққослаш

Иссиқлик изолятор	Үртача зичлик (кг/кб.м)	Иссиқлик үтказувчанлик коэффициенти (Вт/м*K)	Ғоваклилик	Хизмат муддати (йил)	Ишчи температу ра (°C)
Қаттық ППУ	30-150	0,019-0,028	Ёпік	20	-160..+150
Пробкали	220-400	0,5-0,6	Ёпік	3	-30..+90

плита					
Пенополистирол	40-150	0,04-0,06	Ёпиқ	15	-100..+80
Минерал пахта	55-150	0,052-0,058	Очиқ	5	-40..+120
Пенобетон	250-400	0,145-0,160	Очиқ	10	-30..+120

Қаттиқ ППУ бугунги кунда барча маълум иссиқлик изоляцион материаллар ичидә энг паст иссиқлик ўтказувчанлик қийматига эга: 0,019 Вт/м 0К дан то 0,028 Вт/м 0К гача. Шунинг учун, қаттиқ ППУнинг иссиқлик изоляция хусусияти изоляцион қатламнинг кичик қалинлигига жуда юқоридир. Шундай хусусиятларга кўра, қаттиқ ППУ энергиянинг оптимал иқтисодини талаб қилувчи техник ва иқтисодий сабабларга кўра, барча малакали иссиқлик изоляцион масалалар ечими учун яроқлидир.

Пенополиуретандардан фақат вакуумли изоляция самаралироқ (масалан, майший термос), лекин у жуда қиммат ва технологик реализацияси қийиндир.

Турли қурилиш материаллари иссиқлик ҳимоя самарадорлигини таққослаш учун, уларни бўлиш керак. Масалан, пенополистирол ва ППУ учун бу $0,04/0,028 = 1,43$ дир, яъни 10 см ППУ 14,3 см қуруқ материалга тенг. Фишт учун $0,80/0,028 = 28,57$ дир, яъни 10 см ППУ 285,7 см фиштга эквивалентдир.

Толасимон иссиқлик изоляцион материаллар учун бундай хисоб-китоб жоиз эмас, чунки маҳаллий қурилиш фаолиятида сувни улар албатта ийғадилар, бунда иссиқлик ўтказувчанлик бир неча марта ошади.

ППУ нинг техник характеристикалари

№ т/р	Кўрсаткичлар номлари	Пенополиуретан турли маркалари учун катталиклар
1	Тахминий зичлик кг/кб.м	18..300
2	Иссиқлик ўтказувчанлик, Вт/м*К	0,019..0,03 дан кўп эмас
3	Емирувчи кучланиш, МПа, дан кам эмас	Сиқилганда 0,15..1,0 букилганда 0,35..1,9
4	Сув ютиши, % ҳажмда	1,2..2,1
5	Ёпиқ ғоваклар сони	85..95 дан кам эмас
6	Ёнувчанлиги	ГОСТ 12.1.044 (қийин ёнувчи)

ППУ афзалликлари:

Иссиқлик ўтказувчанликнинг паст коэффициенти (0,019...0,028Вт/М*К);

Енгил оғирлиги 40-60 кг/кб.м;

Юқори адгезион чидамлилик;

Мустаҳкамловчи унсурларга зарурияти йўқ;

Метал конструкцияларнинг аъло даражадаги антикоррозия ҳимояси;

Совуқлик кўприклиарининг йўқлиги;

Ихтиёрий шакл ва ўлчамдаги конструкциялар изоляцияси имконияти;

Қопламаларнинг узоқ муддатлиги (емирилмайди ва чиримайди, мавсумий температура тебранишлари, атмосфера ёғинлари, агрессив саноат атмосфераси таъсирида емирилмайди);

Пенополиуретан (ППУ) нинг юқори экологик хусусияти (гигиеник меъёрлар бўйича, озиқ-овқат маҳсулотлари музлатгич техникаларида ишлатишга рухсат бор);

ППУ ни пресс-шаклга қўйиш усули билан, шаклли иссиқлик изоляцион блокларни олиш мумкин (қувурлар учун “қобиқлар”, плиталар, сэндвич-панеллар ва х.к.).

Пенополиуретан юза конфигурациясидан қатъий назар, деярли ҳамма ихтиёрий материалларга пуркалади: ёғоч, шиша, металл, бетон, ғишт, бўёқ. Натижада изоляцияни маҳсус мустаҳкамлашга зарурият йўқ. Бундан ташқари, пенополиуретан қоплама кислотали ва ишқорий мухитга инертирди, тупроқда ҳам, том қопламаси материали сифатида ҳам ишлатилиши мумкин. Пенополиуретан талаб қилувчи ягона талаб – бу тўғридан-тўғри қуёш нурларидан ҳимоядир.

ППУ нинг адгезион чидамлилиги

Материал ажойиб адгезион хусусиятларга эга, ихтиёрий материалли ва ихтиёрий шаклдаги горизонтал ва вертикал юзаларга идеал ёпишади. ППУ нинг ётқизилган қатлами бинонинг бутун хизмат даври давомида янгилаш ва таъмирни талаб қилмайди. Иссиқлик изоляция полга, шифтга ва деворларга сурилиши мумкин.

2.9-жадвал

ППУ нинг адгезион чидамлилиги

Материал	дан кам эмас
Ёғоч	1,5 кг/кв.см.
Чўян, рухланган темир	2,0 кг/кв.см.
Алюминий	1,0 кг/кв.см.
Зангламайдиган пўлат	1,5 кг/кв.см.
Бетон	2,5 кг/кв.см.
Қора пўлат	3 кг/кв.см.

Узоқ муддатли хулқ-атвор

ППУ узоқ муддатлилиги 25-30 йил деб баҳоланади, лекин бу чегара эмас – Олмония, АҚШ, Швеция, Японияда мутахассислар ўтган асрнинг 70-йилларида қуйилган девор, том, пойdevор конструкцияларини бўлаклаб,

ППУ намунали қувурларни кесиб, ўрганиб, “хусусияти ўзгармаган” деб хулоса қилмокдалар. Тўғри тайёрланган ППУ ни емириш учун кимёвий сабаб йўқ. ППУ нинг 90% дан ортиқ ғоваклари ёпиқ, яъни газ билан тўлдирилган, ҳавога нисбатан паст иссиқлик ўтказувчанликка эга, пластикли капсулаларни эслатади.

Саноат эксплуатацияси натижалари, ППУ нинг лаборатория шароитларида хулқ атворини тасдиқлайди.

Қаттиқ ППУ нинг об-ҳаво ва иқлимга чидамлилиги ажойиб: Ер шарининг турли бурчакларида бир неча ўн йилликлар давомида, экстремал иқлим шароитлари амалиётида қаттиқ ППУ ўзини аъло даражада тавсия қилган. Тажриба синовларида қаттиқ ППУ нам, ўзгарувчан иқлимда, иссиқлик изоляцион хусусиятларининг қандайдир сезиларли ёмонлашувисиз, эскиришга аъло даражада чидамлилигини кўрсатади.

Натурали текширувлар натижаси ҳам ППУ нинг қурувчиларда юқори ҳурматда эканлигини тасдиқлади. Қаттиқ ППУ нинг 20 йиллик аъло даражадаги саноат эксплуатацияси – бу материалнинг фақатгина имкониятлари чегарасини эмас, балки “қўшимча” афзалликларини ҳам аниқлаш имконини берди, уларга, аввало, узоқ муддат давомида паст иссиқлик ўтказувчанликни сақлаш хусусияти киради.

ППУ нинг ёнғинга чидамлилиги

Г1-Г4 ёнувчанлик синфига тегишли. ППУ олиш учун компонентлар таркибиға антиpirен қўшилгани сабабли, у ташқи олов манбасидан алнга тушган жойида, шу алнга мавжуд бўлгунга қадар ёнади. Агарда алнгани олиб ташланса – ППУ ўчади ва тутамайди.

Бундан ташқари, пенополиуретан олов тарқалишини олдини олувчи ажойиб хусусиятга эга: у очиқ алнга таъсир кўрсатган жойида қорайиб, коксга айланади.

ППУ нинг биологик барқарорлиги

Қаттиқ ППУ емирувчилар, замбуруғлар ва микробларга, яъни микроорганизмлар чириши ва таъсирига чидамли. Бундан ташқари, у илдизларнинг тешиб киришига ҳам чидамли.

ППУ нинг химикатларга чидамлилиги

Қаттиқ ППУ маълум даражада, амалий қўлланишда учровчи кимёвий аралашмалар, ёқилғилар, минерал ёғлар, аралашган кислота ва ишқорлар, қайта ишланган газлар ва агрессив ишчи атмосфера таъсирига чидамлиdir. Қурилиш майдонида учровчи бошқа материаллардан фарқли равишда, қаттиқ ППУ кимёвий нейтрал ва нокорризион хулқ-атворни намойиш қиласди.

Пенополиэтилен Izopol

Пенополиэтилен Izopol 2.10-жадвалда ифодаланган қуйидаги физик-техник характеристикалар мажмуасига эга.


2.10-жадвал

Кўлланилиш температураси	-40 0C дан то +100 0C гача
Иссиқлик узатишга қаршилик, R	1,2 м2 0C/Вт
Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти	0,037 - 0,038 Вт/м0C
Товуш ютиши	25 дБ(А)
Сиқилганда чидамлилик чегараси	0,035 МПа
Оғирлиги	44 + 10 кг/м3
Ҳажм бўйича сув ютиши	0,6-3,5% (турига қараб)
Чегаравий иссиқлик ҳажми	1,95 кДж/кг0C
Материалда намликнинг оғирликка нисбати	2%
Бикрликнинг динамик модули (2-5кПа босим остида)	0,26 - 0,77 МПа
Нисбий сиқилиш (2-5кПа босим остида)	0,09 - 0,2

Иссиқлик ютиш коэффициенти (24 соат давомида)	0,45 - 0,51 Вт/м ² 0С
Бүг ўтказувчанлик коэффициенти	0,001 мг/мчПа

Эструдион пенополистирол «ПЕНОПЛЭКС»

«ПЕНОПЛЭКС» – эструдион пенополистиролли (XPS) иссиқлик изоляцион материал (2.11-расм). Пенополистирол билан иситиш саноат ва фуқаро, шунингдек, кам қаватли қурилишда, қишлоқ хўжалигида, музлатиш саноатида, спорт иншоотларини қуришда, ҳамда, темир-йўл, учиш-қўниш полосалари, автомагистраллар ва қувурлар қуришда кенг ишлатилади.



2.11-расм. Эструдион пенополистирол «ПЕНОПЛЭКС»

ПЕНОПЛЭКС характеристикалари 2.11-жадвалда келтирилган.

2.11-жадвал

ПЕНОПЛЭКС® нинг техник характеристикалари

Физик-механик хусусиятлари	Техник меъёрлар	Ўлчов бирлиги	«ПЕНОПЛЭКС»
10% чизиқли деформацияда, сиқилишга чидамлилик, дан кам эмас	ГОСТ EN 826- 2011	МПа (т/м ²)	0,20 (20)

Статик букишда чидамлилик чегараси		ГОСТ 17177-94	МПа	0,25
24 соат давомида сув ютиши, дан ортиқ әмас		ГОСТ 15588-86	% хажм бўйича	0,4
Оловга чидамлилик категорияси		ФЗ-123	гурух	Г3 (антипиренли)
Иссиқлик ўтказувчаник коэффициенти лаб.		ГОСТ 30256-94	Вт/м·°К	0,033
Стандарт ўлчамлар	қалинлиги	ТУ 5767-006-54349294-2014	мм	20, 30, 40, 50, 60, 80, 100, 120, 150
	кенглиги			600
	узунлиги			1200
Эксплуатациянинг температурали диапазони		ТУ 5767-006-54349294-2014	°C	-100....+75

ПЕНОПЛЭКС® иситувчиси — табиати бўйича кимёвий инерт, чиримайдиган, бикр ва пластик материал. Ихтиёрий об-ҳаво шароитларида атмосфера ёғинларидан ҳеч қандай ҳимоя воситаларисиз у билан ишлаш мумкин.

ПЕНОПЛЭКС® — иссиқлик изоляцион материаллари янги авлодининг ёрқин вакилидир. У иссиқликни тежаш бўйича масалаларни ечиш учун идеал тўғри келади. Материалнинг асосий афзаллиги – бу унинг фуқаро ва саноат курилишида тенги йўқлигидир.

Экструзион кўпикли полиэтилен

Экструзион кўпикли полиэтилен асосидаги юқори самарадор материал экологик тоза материалdir. Янги озон ҳимояловчи технология бўйича

тайёрланган. Бир текис тақсимланган майда донали ёпик ғовак тузилмага эга, бу унга ноёб физик-механик, иссиқлик-физик ва акустик хусусиятларни беради.



2.12-расм. Экструзион кўпикли полиэтилен маҳсулотлари

- Экструзион кўпикли полиэтилен техник характеристикалари:
- иссиқлик ўтказувчанлик ГОСТ 7076-99 бўйича $< 0,035 \text{ Вт}/(\text{м}^2\text{C})$;
 - термик қаршилик (1 мм. қалинликда) $>0,031 \text{ м}^2 \text{ OC/Bt}$;
 - ишлатиш температураси -600 C дан то $+800\text{C}$ гача;
 - ёнувчанлик гурухи ГОСТ 302 бўйича Г1;
 - тутун ҳосил қилиш хусусияти ГОСТ 121 бўйича Д2;
 - алангаланиш гурухи ГОСТ 304 бўйича В1;
 - ҳажм бўйича 24 соатда сув ютиши 2%;
 - буг ўтказувчанлиги 0 мг/м ч Па.

Экструзион кўпикли полиэтиленнинг турларини турли соҳаларда қўлланилади.

Қурилиш иссиқлик изоляциясида: бетонни қоплаш, қаватлараро тўсиқларда шовқин изоляцияси, “иссиқ пол” тизимида.

Акслантирувчи иссиқлик изоляциясида: радиаторлар орқасида иссиқлик экрани сифатида; бино периметри бўйича деворлар иссиқлик ва товуш изоляцияси, пол иссиқлик изоляциясида.

Изоляцион матларда: пойдеворлар, йўлакчалар иссиқлик изоляцияси; бино ва иншоотлар цоколли қаватлари иссиқлик изоляцияси; иссиқ қулай полларни ўрнатишда; сэндвич-панеллар конструкциясида чидамли, экологик

тоза иситгич сифатида; оғма томларни иситишда; товуш ўтказувчанлиқда (қаватлараро түсиқлар ва ички түсиқлар); еростыда жойлашган конструкцияларни иситишда (бассейн, автоном газ таъминоти, септиклар ва х.к.).

Қувур изоляциясида: қувурлар иссиқлик изоляцияси; канализация; кондиционер тизимлар; совук/иссиқ сув таъминоти; музлатгич ускуналари; тузилмавий шовқинни пасайтириш учун.

Чокли изоляцияда: бино конструкциялари ва алоҳида унсурлар чокларини улаш учун; дераза ва эшикларни ўрнатишда зичловчи унсурлар сифатида; еости коммуникацияларининг иссиқлик ва гидроизоляцияси унсури сифатида; эшиклараро, деразалараро фазони зичловчи сифатида; майший кондиционерни ўрнатишда зичловчи сифатида; упаковка учун зичловчи материал сифатида ва х.к.

Базальтли тола ва ундан тайёрланган маҳсулотлар

Базальтли иссиқлик изоляцион материаллар (2.13-расм) ихтиёрий курилиш объектлари, ёки энергетика объектларининг иссиқлик ва товуш изоляцияси учун қўлланилиши мумкин. Базальтли иситгичнинг толасимон тузилмаси 50 мм қатламда шовқин даражасини 26-45 ДБ гача камайтиришга имкон беради. Бундан кўпроқ натижага эриши учун иситгични шишасимон мато билан ётқизишда эришиш мумкин.



2.13-расм. Базальтли тола асосида иссиқлик изоляцияси

Аъло даражадаги оловга чидамлилик хусусиятларига эга бўлган базальтли тола ёнфиннинг тарқашига тўсқинлик қиласи, ёнфина у оловдан химоя экран вазифасини бажаради ва +700°C гача бўлган температурагача

чиdamлидир, шу билан инсонлар ва ҳайвонларга хонани тарк этиш учун имконият беради.

Базальти иситгич – бу экологик тоза материал, унинг таркибида заарали токсик моддалар йўқ.

Базальти иситгичлар енгиллиги билан жуда афзалдир.

Бу материал енгиллиги жуда майда толаларни тўқишида ҳосил бўлган кўп сонли ғоваклардаги ҳавонинг мавжулиги ҳисобига таъминланади.

Базальти иситгичлар енгиллиги ва юмшоқлиги сабабли, конструкцияга қўшимча кучланиш бермайди. У шунингдек монтаж оддийлигини ҳам таъминлайди, бу эса монтажни амалга ошириш учун харажатларни камайтиради. У тез, оддий ва деярли чиқитсиз монтажланади. Иситгич шакл ва ўлчамлари юзаларнинг иссиқлик ва товуш изоляцияси бўйича ишларни бир киши кучи билан ўтказишга имкон беради.

Базальт толали маҳсулотларнинг геометрик ўлчамлари:

- узунлиги 1200 мм;
- кенглиги 1200 мм;
- қалинлиги 50-100 мм.

Ишлатиш температураси -200 дан то +700 °C гача.

Базальт толали маҳсулотлар 2.14-расмда кўрсатилган.



2.14-расм. Базальт толали маҳсулотларнинг айрим турлари

«Kashif уют» иссиқлик изоляцион қопламалари

«Kashif уют» иссиқлик изоляцион қопламалари – иссиқ ва совуқ сув таъминоти қувурлари, буғ қувурлари, конденсация тизимлари учун ҳаво қувурлари, совутиш тизимлари, турли ҳажмлар, цистерналар, трейлерлар,

рефрижераторлар, бино фасадлари, томлари, ички деворлар, дераза тешиклари, бетон поллар ва х.к.лар иссиқлик изоляцияси юқори самарадордир. У иситиш тизимларида иссиқлик сарфини камайтириш учун ва совуқ сув таъминоти қувурлари конденсатини йўқотиш учун ишлатилади. «Kashif уют» иссиқлик изоляцион қопламалари – 40 0C дан то + 250 °C гача бўлган температуralарда ишлатилади (+ 500 °C гача бўлган қисқа муддатли иссиқлик кучланишлари ҳам мумкин).

«Kashif уют» иссиқлик изоляцион қопламалари – алкид асосли, маҳсус тўлдирувчилар ва мақсадли қўшимчалар қўлланилган, замонавий кўп функцияли композицион материалдир. «Kashif уют» қопламалари юқори иссиқлик-физик эксплуатацион характеристикаларни юқори иқтисодий самарадорлик билан бирлашитиради. «Kashif уют» иссиқлик изоляцияси кўп компонентли бир жинсли суюқ масса (мастика) дир, у ихтиёрий шаклдаги юзага кисточка ёрдамида сурилади. Қуригандан сўнг, иссиқлик изоляцион хусусиятларга эга эластик қаттиқ қоплама ҳосил қиласди. Паст иссиқлик ўтказувчанлик ҳисобига, «Kashif уют» материали қатламида иссиқлик оқими “сусайиши” ҳосил бўлади, кам нурланиш хусусияти чиқиш иссиқлик оқими даражасини камайтиради ва иссиқлик сарфининг камайишини таъминлайди.

Вермикулит

Қабариқли вермикулит тилласимон рангга, пластилинсимон шаклга эга бўлиб, сочиувчан, юқори ғовакли, ҳидсиз материал, жуда енгил бир куб метри 130-150 кг, қўлланилиш температураси –260 + 1250 градусов. Юқори иссиқлик изоляцияси: 20 см қалинликдаги вермикулит қатлами ўзининг иссиқлик изоляцион хусусиятларига кўра, 1,5 м қалинликдаги ғиштли девор ёки 2 м қалинликдаги бетон деворга эквивалент.

Захарли (токсик) эмас, узоқ муддатли, экологик тоза, чириш ва моғорлашга мойил эмас, стерил, кимёвий инерт. Емирувчилар ҳам яқинлашмайди.

Самарали ҳимоявий радио материалдир, гамма-нурланишни қайтаради ва радиофаол Стронций – 90, Йезий – 137, Кобальт – 58 ни ютади.

Қабариқли вермикулит оддий ва жуда самарали иссиқлик изоляцион материалдир. У қурилишда ташқи деворлар, том түсінлари, поллар иссиқлик изоляцияси учун ёнмайдыган сочма иситгич сифатыда қўлланилиши мумкин. Қабариқли вермикулитнинг муҳим афзаллиги – бу оқувчанлик хусусиятига эга, бу эса нотўғри шаклда бўшлиқларни тўлдириш имконини беради.

Қабариқли вермикулит ёнғинларда юзага келувчи юқори температурада, органик таркибли бошқа изоляцион материаллар билан таққослагандан, муҳим хусусиятга эга, яъни ҳеч қандай газ ажратмайди. У инсонлар соғлиғи учун, шу жумладан, юқори температурада абсолют заарсиз. Ўз хусусиятларига кўра, вермикулит “нафас олиш” хусусиятига эга, ҳамда хона конденсацияси каби, доимий температура-намлик режимини ушлаб туради.

Вермикулитни қурилишда ишлатиш, бошқа иссиқлик изоляцион материаллар билан таққослагандан, иқтисод жихатдан афзалликлар беради, у фақатгина алоҳида конструкциялар оғирлигини камайтириб, уларнинг сифатини яхшилабгина қолмасдан, балки қимматли материаллар сарфини камайтиради, пойдеворлар учун харажатлар қийматини арzonлаштиради ва юпқа деворлар ва тўсиқлар ҳисобига бинонинг фойдали майдонини кўпайтиради. Фиштли девордаги атиги 12 сантиметрли сочма вермикулитли қатlam замонавий талабларни қондирувчи иссиқлик изоляциясини беради. Деворларни қудуксимон тўлдириш – деворларни тўлдиришда вермикулитни 10-15% га зичлаш лозим (бунда уйнинг узоқ муддатли эксплуатациясида материалнинг чўкиши кузатилмайди).

Чердак хоналар ва полларнинг сочма изоляциясида – вермикулитни чердакда сочиб ва сув тушиши, ҳамда шамол учиринида ҳимоялаб, текислагандан сўнг, вермикулит қатламини қалин қофоз ёки рубероид билан ёпилади. Кўпинча, чердак хоналарда вермикулитни қопларда жойлаштирилади, бу зарурият туғилганда, изоляцияни осон демонтаж қилишга имкон беради.

Полнинг иссиқ ва товуш изоляциясига эга асоси – қаватлараро түсиқлар учун ҳам, техник ертўла остида поллар учун ҳам вермикулитбетондан фойдаланиш самарали. Вермикулитнинг 3-4 ҳажмий қисмига 1 қисм цемент ва 1 қисм қум олинади, сув билан аралаштирилиб, түсиқлар 4-5 смли қатламли, иситилмайдиган техник ертўла эса 6-10 см қатламли бетон билан қуйилади. Полга линолиум бустилат ёки бошқа елим билан қопланади. Бунда ДВП ёки ёғочли қопламадан фойдаланишга зарурият қолмайди.

Том иссиқлик изоляцияси - вермикулитнинг 7 ҳажмий қисмига 1 қисм цемент. Битумвермикулит ёрдамида пойdevор қисмининг иссиқлик ва гидроизоляцияси – ноль белгидан пастдаги хоналарнинг кўп функцияли фойдаланиш ҳолатида, устахоналар, саunalар, сабзавот омборлари ва х.к ларни жойлаштириш учун, ертўлалар түсиқли конструкцияларининг ишончли иссиқлик ва гидро изоляцияси зарурияти туғилади. Битумовермикулит масса деворларнинг бутун юзаси бўйлаб, 100-150 мм қалинликда монолит кўринишда қопланади. Юқори иссиқлик ва гидро изоляцион хусусиятлар бошқа анъанавий иссиқлик изоляцион материалларга нисбатан афзалроқ.

Қўшма том иссиқлик изоляцияси - битумовермикулит иссиқлик изоляциясидан самарали фойдаланиш кўзда тутилган яssi том лойиҳасидир. Бундай иссиқлик изоляцияси асфальтга ўхшаб ётқизилади, атмосфера ёғинлари оқиши учун қияроқ ҳолатда қўл катоки билан текисланиб, зичланади. Зичлангандан сўнг, битумовермикулит изоляция қўшимча текисланишни талаб қилмайди ва бевосита унга эритилган битум билан рулонли пар изоляциясининг икки қатлами ёпиштирилади. Зичланган ҳолатда, ҳажмий массаси 350 кг/м³ га teng бўлганда, битумовермикулитнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,087 Вт/м.К дан ошмайди.

Иссиқлик трассалари – қувурларни битумовермикулитли изоляциясидан фойдаланиб, иссиқлик трассаларини каналсиз ётқизиши.

Деворларни иситиш учун штукатурка – ички ва ташқи иссиқлик изоляцион штукатурка. Қабариқли вермикулитнинг ривожланган капилляр говаклилиги вермикулитли штукатуркаларни юқори антиконденсацион хусусиятлар, чиройли фактурали қўриниш, паст иссиқлик ўтказувчанлик, ёнғинга чидамлилик, юқори товуш изоляцияси хусусиятлари билан таъминлайди. Ишлаб чиқаришда эришилган самара: қўллашнинг оддийлиги ва қулайлиги, юзанинг энг яхши сифати, дарзлар ҳосил бўлишига юқори қаршилик, мураккаб профиллар конструкцияларининг оддий қайта ишлаш, деформация ва зарбларда паст заарланиши, механик суркашда сачрамаслиги, суркалишнинг яхшилиги. Турар-уй ва саноат биноларининг музловчи ички ва ташқи деворларини иситиш учун, пўлат, бетон ва ёғоч конструкциялар, муҳандислик тизимлари ва коммуникацияларининг ёнғинга қарши ҳимояси учун тавсия қилинади.

Боғловчи сифатида цемент ёки гипс қўлланилади. Цемент асосли вермикулит штукатурка тайёрлаш: цемент – вермикулит нисбати 1:2 дан то 1:5 гача. Оҳакли сутни қўшиш чидамлиликни оширишга кўмак беради, масалан: вермикулит 2-3 қисм, цемент 1 қисм, оҳак 1 қисм. Шуни унутмаслик керак-ки, таркибда вермикулит кўпроқ бўлса, товуш ва иссиқлик изоляцион хусусиятлар шунчалик юқори бўлади, лекин чидамлилик пасаяди. Пластификаторлар ва оҳак қўшилганда, штукатурка сифати яхшиланади. Вермикулитни иссиқлик, товуш изоляцияси сифатларини ва узок муддатлиликни яхшилаш учун оддий штукатурка аралашмаларига ҳам қўшиш тавсия қилинади, у дарзлар ҳосил бўлишига қаршиликни ҳам оширади.

Гипс ёки гипсли аралашма асосида тайёрлаш: ҳажм бўйича нисбатлар: вермикулит 2 қисм – гипс 1 қисм. Гипсли штукатуркадан фойдаланишда, девор юзаси силлиқ ва текис чиқади, қўшимча ишқалашни талаб қилмайди. Иссиқлик узатиш қаршилиги бўйича, цемент асосли вермикулит штукатурканинг 20 мм қалинликдаги қатлами 120-140 мм қалинликдаги, гипс асослиси эса 190-225 мм ғиштли термага мос келади.

Осон ёнувчи материалли енгил вермикулит аралашмаларни ёнғиндан ҳимоялаш учун – пенопласт плиталардан фойдаланишда, агарда битта плита ёниб кетса, алоҳида плиталар орасида ёнғиндан ҳимоя барьерларини ҳосил қилишни таъминловчи енгил аралашмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқа қўлланилиш соҳалари: енгил иссиқлик изоляцион бетонлар; терма аралашмаси – терма чоклари бўйича, совуқ кўприклар ҳосил бўлишига тўсқинлик қиласи; метал ва ёғоч конструкцияларнинг ёнғиндан ҳимояси.

Пенополистирол плиталар ПСБ-С

Пенополистирол плиталар (2.15-расм) қурилиш тўсиқли конструкцияларининг ўртача қатлами сифатида, иссиқлик изоляцияси учун мўлжалланган.



2.15-расм. Пенополистирол плиталар ПСБ-С

Изоляция юзалари температураси 80оС дан ортиқ бўлмаслиги керак. Плиталар ГОСТ 12.1.044 бўйича қийин аланга олувчи ёнувчи материаллар гурӯхига ёки ГОСТ 30244 бўйича Г2 гурӯхига (ўртача ёнувчи) киради (ЎзР Ёнғин-техник лаборатория синовлари Протоколига кўра). Пенополистирол плиталар зичлиги 15-17 кг/м³ ни, иссиқлик ўтказувчанлиги эса 0,046 Вт/м К ни ташкил қиласи. Плиталар ПСБ- С-25 турга тегишли, бу ерда: “С”-антипиринли, “25”-пенопласт маркасини билдиради.

2.14-жадвал

Пенополистирол плиталарнинг физик-механик хусусиятлари қўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Плиталар маркалари меъёрлари							
	Юқори сифат категорияси				Биринчи сифат категорияси			
	15	25	35	50	15	25	35	50
Зичлиги, кг/м ³	15 гача	15,1 — 25,0	25,1 — 35,0	35,1 — 50,0	до 15	15,1 — 25,0	25,1 — 35,0	35,1 — 50,0
10% чизиқли деформацияда, сиқилишга чидамлилик, МПа, дан кам эмас	0,07	0,18	0,25	0,35	0,06	0,16	0,20	0,30
Қуруқ ҳолатда 250Сда иссиқлик ўтказувчанлик, Вт/(мК), дан ортиқ эмас	0,042	0,039	0,037	0,040	0,043	0,041	0,038	0,041
24 соатдги намлик, ҳажм бўйича % ларда, дан ортиқ эмас	3,0	2,0	2,0	1,8	4,0	3,0	2,0	2,0

Плиталарнинг номинал ўлчамлари қўйидагича бўлиши керак:

Истеъмолчи билан тайёрловчининг келишуви билан, буюртмачи ўлчамлари бўйича плиталар тайёрлаш мумкин.

Потенциал истеъмолчилар ва маҳсулотни қўллаш соҳалари.

Кўллаш соҳаларини шартли равишда, қуйидаги категорияларга бўлиш мумкин:

Изоляцион материал сифатида (жумладан, иссиқлик, товуш, гидроизоляциялар);

Турли пол конструкциялари тўлдирувчиси сифатида;

Турли маҳсулотлар тайёрлаш учун яроқли, қимматли материал сифатида (асосан, упаковкалар ва бошқалар).

Пенополистирол бинолар фасадлари, томлари, пойдеворларини иситиш учун, шунингдек, йўллар қурилишида, қувурлар изоляцияси учун, архитектуравий деталлар тайёрлашда ишлатилади. Сифатли пенопласт ишни бажариш вақтида сочилмайди, осон кесилади, у билан ишлашда қўлқоплар, респираторлар ва бошқа ҳимоя воситалари керак эмас. Пенополистирол плита – қурилиш пенопластларининг энг кўп тарқалган туридир.

Корхонанинг тайёр маҳсулоти истеъмолчилари – бу асосан, қурилиш ташкилотлари, иссиқлик изоляцион материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва пенопластни упаковка материали сифатида ишлатувчи корхоналардир.

Пенополистирол (пенопласт) хусусиятлари.

Пенополистирол иккита асосий турга бўлинади: блокли ва экструдир (экструзион).

Блокли пенополистирол – полистиролни пресс-шаклга кўпиртириш йўли билан олинади. Натижада блоклар ҳосил бўлади, улар плиталарга кесилади.

Экструдир пенополистирол (ЭППС) экструзия (тешикдан ўtkазиш) йўли билан олинади.

Пенополистирол нейтрал материалdir, у инсон ва унинг атроф-муҳити учун ҳеч қандай заарли моддалар ажратмайди, микроорганизмлар таъсирида чиrimайди ва чегараланган яроқлилик муддатига эга эмас.

Пенополистирол ёнганда, ёғоч ёки пробка ёнганда ажralиб чиқувчи газларга жуда ўхшаш газ ажратади. Замонавий пенопласт ёнфинга чидамли (ўзи ўчувчи) қилиб ишлаб чиқарилади. Намлик бу материалнинг иссиқлик

изоляцион хусусиятларига таъсир қилмайди ва унда бактериялар ва моғорлар ҳосил бўлмайди, бу эса Пенополистиролни озиқ-овқат саноатида ҳам кенг ишлатишга имкон беради.

Пенопласт асфальтли эмульсиялар, асфальт қопламали рубероидлар, сунъий ўғитлар, каустик сода, аммоний, суюқ ўғитлар, қўпикли бўёқлар, совун ва юмшатувчи аралашмалар, цемент, гипс, оҳак, тузли аралашмалар, сув ва турли еrosti сувлари таъсирига чидамли. Атроф-мухит температураси пенополистиролнинг физик ва кимёвий хусусиятларига салбий таъсир кўrsatmайди. Лекин, узоқ муддатли ультрабинафша нурлари таъсирида, у нозиклашади ва шамол, ёмғир ва бошқа факторлар таъсирида, эрозияга мойил бўлиб қолади. Шунинг учун, сақлашда уни тўғридан-тўғри қуёш нурлари таъсиридан ҳимоя қилиш лозим.

Пенополистирол юқори иссиқлик изоляцион хусусиятга эга, у маълум анъанавий қурилиш материалларидан анча юқори.

Агарда пенопластнинг иссиқлик ўтказувчанлик кўrsatкичларини бошқа материаллар билан таққосласак, 60 мм қалинликдаги пенополистиролли плита (пенопласт) иссиқлик изоляцион хусусиятлари билан қўйидагиларга тенгдир:

- 110 мм қалинликдаги минерал пахта;
- 500 мм қалинликдаги қуруқ пенобетон;
- 195 мм қалинликдаги ёғоч;
- 2132 мм қалинликдаги бетон.

Пенопластнинг кимёвий хусусиятлари.

Пенополистиролни қурилиш материали сифатида ишлатганда, қўйидаги кимёвий бирикмалар билан контактга киришига йўл қўймаслик керак: органик эритувчилар (ацетон, уксусли-этил эфир, бўёқлар эритувчиси, скапидар); тўйинган углеводородлар (спирт) ва нефть махсулотлари (бензин, керосин, смола ва бошқалар), чунки пенополистиролнинг ғовакли тузилмаси юқоридаги бирикмалар билан kontaktда емирилиши ёки тўлиқ эриши мумкин.

Афзалликлари.

Хавфсизлиги. Материал атроф-мухит ва инсон саломатлиги учун ҳеч қандай заарасиз ишлаб чиқарилади, ишлатилади ва утилизация қилинади. Пенополистирол – бу 100% кўп мартаба ишлатилувчи, энг тоза ва хавфсиз иссиқлик изоляцион материалdir. У озиқ-овқат махсулотлари, ўйинчоқлар ва х.к.лар учун упаковка материали сифатида ҳам ишлатилади.

Яхши иссиқлик қаршилиги. Пенополистирол ёпиқ ғовакли структура ичидаги 98% ҳаракатсиз ҳаво ташкил топган. Статик ҳаво, маълум-ки, энг яхши табиий иссиқлик изолятори ҳисобланади. Материалда полистирол пластик таркиби атиги 2 % ни ташкил қиласди – бундай комбинация ПСБ-С плиталарини ажойиб иссиқлик изоляцион хусусиятлар билан таъминлайди. Пенополистирол иссиқлик изоляцион хусусиятларини нам шароитда ҳам, паст температурада ҳам сақлайди.

Ёнғинга чидамлилик. Пенополистирол плиталар, кўпгина бошқа қурилиш материаллар каби, ёнишга мойиллигига қарамасдан, улар ёнишни унчалик қўлламайди ва олов мавжуд бўлмаса, 4 секунд давомида ўчади. Бошқача қилиб айтганда, пенополистирол плиталарнинг ёниши фақат очик оловда мумкин, пенопластни оловдан олинса, ёниш тўхтайди. Пенополистирол плиталар ёнишида ажралиб чиқувчи энергия миқдори, ёғоч ёнганда ажралувчи энергиядан 7-8 марта камдир (мос равишда 1000 МДж/м³ га қарши 7000-8000 МДж/м³). Шунинг учун, ёнгин ҳолатида пенопласт ёнганда, масалан, ёнувчи дараҳтдан анча кам температурани оширади. Бино ёнганда, полистирол пенопласт ажратувчи энергия миқдори, объектнинг ёнаётган бошқа моддаларидан 5% дан (айрим маълумотлар бўйича – 2%) кам бўлмаганини ташкил қиласди. Бундан ташқари, қурилишда кенг қўлланилувчи, антиприен билан бойитилган, “ўзи ўчувчи” деб номланувчи пенополистирол плиталар ҳам мавжуд. Пенополистирол плиталарнинг ёнғинга чидамлилиги (ёнувчанлиги) факатгина физик-кимёвий хусусиятлар билан эмас, балки “қўшнилар” билан ҳам аниқланади. Гап бошқа қурилиш материаллари билан комбинациялар, ҳамда зарурий ҳимоя қатламлари

мавжудлиги ҳақида кетяпти. Ёнгинга қарши хавфсизлик чораларига риоя қилишда, бошқа кенг тарқалган қурилиш материаллариға қараганда полистирол пенопласт хавфсизроқдир.

Пенополистиролни ишлатышда амалда паст чегарага эга эмас. Ҳажмий сиқилишни температура шароитлари бўйича зарур бўлган ҳолатларда ҳисобга олинади (масалан, холодильникли-омборлар қурилишида). Юқори температурали шароитларда ишлаганда, максимал мумкин бўлган температура қиймати пенопластга температура таъсири муддати ва механик юкламага боғлиқ бўлади.

Давлат ёнгинга қарши назорати сэндвич-панеллар ишлаб чиқариш учун, ўртача қатлам сифатида 15, 25, 35, 50 (антиприренли) маркадаги ПСБ-С туридаги пенополистирол плиталардан фойдаланишга қаршилик билдирамайди.

Товуш ўтказувчанлик ва шамолдан ҳимоя ҳаракати. Пенополистирол плиталар ПСБ-С ёрдамида иситишда, қўшимча шамолдан ҳимоя керак эмас. Бундан ташқари, конструкциялар товуш изоляцияси ҳам яхшиланади.

Намлика чидамлилик. Иссиклик изоляцион плиталар ПСБ-С гигроскопик эмас. Пенополистиролнинг намлик ютиши минерал пахтадан кўра сезиларли камдир. Ҳатто, сувга узок ботиришда ҳам, иссиқлик изоляцион плиталар ПСБ-С ўзининг ҳажмий оғирлигидан атиги бир неча фоиз сувни ютади, бу эса уларни тупрок билан иситувчининг тўғридан-тўғри контактида пойдеворларни иситиш учун ишлатиш имконини беради.

Стабил ўлчамларни сақлаш. Иситувчи ПСБ-С қурилиш конструкциясида стабил қолади, бу қурилманинг бутун эксплуатация муддати даврида сақланади: киришмайди, ўлчамлари кичраймайди ва конструкцияда сурилмайди.

Узок муддатлилик. Қурилманинг бутун ҳаёти даврида иситувчи ПСБ-С хусусиятлари сифати ёмонлашмайди. Материалнинг минимал сув ютиши юкламаларга чидамлиликни ва нам шароитларда иссиқлик изоляцион хусусиятларни сақлашни таъминлайди. Пенополистирол ўз юзасида

микроорганизмлар ривожланиши учун озуқали мұхитни ҳосил қилмайди, чиримайди, моғорламайди, кимёвий барқарордир.

Құлланишда қулайлиги. Пенополистирол плиталар ПСБ-С кам оғирлигига күра, құлланишда қулай ва осондир, уни керакли ўлчамдаги бўлакларга оддий асбоблар ёрдамида, осон кесиш мумкин. Қурувчи учун пенополистирол билан ишлашда ҳимоя воситаларини қўллаш талаб қилинмаслиги жуда мұхимдир: пенополистирол заҳарли эмас, хидсиз, қайта ишлашда чанг ажратмайди, терини заарлантирмайди.

URSA GEO шишасимонтола асосида минерал изоляция

Ушбу иссиқлик изолятори асосида қайта ишланган штапель шишасимон тола ётади. Шунинг учун, бу материал – шишасимон пахтанинг яқин қариндошидир. Уни тайёрлашда аниқ пропорцияларда құм, сода, доломит ва бошқа қўшимчалар олинади. Аралашма эриш температурасигача қизитилади ва маҳсус аппаратдан ўтказилади. Натижада, толасимон модда ҳосил бўлади, унинг ингичка иплари алоҳида таркиб билан елимланган.

URSA компанияси ишлаб чиқарувчи бир неча маҳсулотлар мавжуд. Энг кўп тарқалгани шишасимон толадан яратилган URSA GEO серияси иситгичларидир. Бундан ташқари, фирма экструзия усули билан тайёрланган пенополистирол иссиқлик изолятори URSA XPS ни ҳам ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарувчининг янгилиги, янги технологиялар ёрдамида тайёрланган PureOne иситувчисидир. Бу материалларнинг ҳаммасини тўлиқ кўриб чиқамиз.

Шишасимонтолали минерал иситгич URSA GEO (2.16-расм) тайёрланишида факт экологик компонентлар қўлланилиши билан фарқланади. Бу ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида назорат қилинади. Шунинг учун, хом ашё таркибида ҳам, тайёр маҳсулот таркибида ҳам заарли қўшимчалар йўқлигига ишонч билдириш мумкин. Ушбу гурӯхнинг барча материаллари шишасимонтолали, лекин уларнинг ҳар бири айрим ноёб хусусиятларга эга ва аниқ шароитлар, ҳамда турли объектларни иситиш учун ишлатишга мўлжалланган.



2.16-расм. URSA GEO иситгичлари ташқи кўриниши

URSA XPS типидаги иссиқлик изолятори (2.17-расм) ўзининг афзалликларига эга ва алоҳида технология бўйича ишлаб чиқарилган экструдир пенополистиролдир. Унинг иссиқлик ўтказувчанлиги коэффициенти, айниқса, бошқа иссиқлик изоляторлари билан таққослагандা, жуда кам. Бу материал плиталари кўп йиллар хизмат қиласди, улар жуда қаттиқ ва чидамлидир. Шунинг учун, уларни ясси шаклдаги томларни, биринчи қават полларини, штукатуркали фасадларни, ертўла ва цоколларни иситиш учун қўллаш мақсадга мувофиқдир. URSA XPS кўп тоннали оғирликларга ҳам чидамлидир – улар билан темир йўллар, аэропортларнинг кўниш полосалари ва автотрассалар асоси изоляцияланади.



2.17-расм. URSA XPS иссиқлик изолятори

PureOne янги материали (2.18-расм) – ажойиб сифатли минерал иссиқлик изолятори бўлиб, конструкцияларни иситиш учун ҳам, уларни ташқи товушлардан ҳимоялаш учун ҳам идеал тўғри келади. Барча техник кўрсаткичлари бўйича, у ажойиб натижалар кўрсатади. Қўшимчасига у билан

ишлиш қулай, чунки у тиконли эмас, чанг тортмайди ва натурал материал – пахта ёки шерстга ўхшаш. Ушбу материал шишасимонтолали махсулотларнинг янги тури бўлиб, ноқулай самарага эга эмас.



2.18-расм. PureOne – янги турдаги шишасимон толали иссиқлик изолятори URSA дан яна бир янги махсулот бор. Бу минерал иситувчи TERRAдир (2.19-расм), ишлаб чиқарувчи фикрича, юқори қаттиқ ва намлика чидамли материал ва хусусий уйлар иссиқлик изоляцияси учун мўлжаллангандир. Лекин у ўзининг кўрсаткичлари бўйича, професионал иссиқлик изоляторларига яқиндир. Бундай иситгич жуда қулай, намланмайди ва ёнмайди.



2.19-расм. TERRA минерал иситувчи URSAнинг турли иситгичлари характеристикалари

URSA GEO шишасимон толали иситгич

Ursa иситгичи тури Geo	Иссиқлик ўтказувчанлик, 100С да,	Бүг ўтказувчанлик	
			Хусусиятлари ва изоҳлар
M-11	0,040		Энг оммабоп, универсал турдаги материал
Мини	0,041	0,64	Мини рулонли универсал материал
Хусусий уй	0,041		Хусусий уйлар қурилишида ишлатиш учун тавсия қилинади
Универсал плиталар	0,036	0,51	Плитали материал, деворларни иситиш учун мүлжалланган
Лайт	0,044		Горизонтал юкламасиз конструкцияларда ишлатиш учун
Оғма том	0,035		Рулонли плиталар, оғма томлар учун
Товушдан химоя	0,040	0,64	Товуш изоляцияси учун материал, гипсли конструкциялар учун идеал мос келади, товуш ютиш синфи В.
Каркас	0,035		Каркасли конструкцияларда ишлатиш учун
M-11Ф	0,040	0	Бир томони фольгали рулонли материал

M-15	0,037	0,51	Поллар, оғма томлар, ихтиёрий қадамли конструкциялар учун
M-25	0,034	0	270 0C гача температурали қувурлар изоляцияси учун
M-25Ф		0	Фольга қатламли материал, қувурлар изоляцияси учун
Фасад	0,032	0,51	Шишасимон мато ёпиширилган материал, ташқи фасадлар ва вентиляция тешикларини иситиш учун мүлжалланган
П-15	0,037	0,62	Каркасли деворлар ва тўсиклар учун плитали материал
П-20	0,034	0,61	Ташқи ёки деворнинг ўрта қатлами иссиқлик изоляцияси учун плиталар
П-30	0,032	0,59	Осма вентиляцияли фасадларнинг уч қатламли деворлари конструкцияларида ишлатиш учун
П-35, П-40		0,58	Темир йўл вагонлари изоляцияси учун юқори виброчидамли плиталар
П-60	0,030	0,52	Тебранувчи пол конструкциясида ишлатиш учун ярим қаттиқ плиталар

2.16-жадвал.

URSA PureOne иситгичи

URSA иситгичи тури	PureOne иситгичи тури	Исикликтік ўтказувчанник,	да, 100С	Бүгіншік ўтказувчанник	Хусусиятлари ва изоҳлар
34 RN	0,034			0,51	Болалар, мактаб ва мактабгача муассасаларни иситишда құлланилиши мүмкин, плиталар шаклида ишлаб чыкаради.
37 RN	0,037				Полларни, деворларни ичидан иситиш учун рулонли материал, болалар ва мактабгача муассасаларда құлланилиши мүмкин
37 RN	0,035				

2.17-жадвал.

URSA XPS пенополистирол иситгич

URSA иситгичи тури	XPS иситгичи тури	Исикликтік ўтказувчанник,	Бүгіншік ўтказувчанник	24 соатда сүйютиши , %	Хусусиятлари ва изоҳлар
N-III-L, N-III-L- G4, N-V	0,032		0,004	0,3	Чеккаси L күренишидаги қаттық пенополистиролли плиталар.
N-III-I					Түғри чеккали қаттық пенополистиролли плиталар.

2-боб бўйича хulosалар:

1. Ўзбек амалиётига биноларнинг конструктив унсурларини иситиш бўйича хорижий тажрибани жорий қилиш шуни кўрсатдики, қурилиш бозорида тавсия қилинаётган иссиқлик изоляцион материалларнинг кўпчилиги мамлакатимиз табиий-иклим шароитига кам мослаштирилган.

2. Ўзбекистонда ишлатиш учун намойиш қилинган иссиқлик изоляцион материаллар турли хусусиятларга эга ва аниқ, ишлаб чиқарувчи тавсия қилган, қўлланиш соҳасига эга.

Таҳлил жараёнида кўп қаватли йирик панелли турар-уй биноларининг энергетик реконструкциясида зарур бўлган иссиқлик изоляцион материалларнинг асосий характеристикалари ўрганилди.

3. Бу материал “Бино ва иншоотлар қурилиши” таълим йўналишининг бакалавриат ва магистратураси “Энергия самарадор биноларни лойиҳалаш” ўқув қўлланмаси учун жуда фойдали ҳисобланади.

3-боб. Тўсиқ конструкцияларни конструктив ечимини ишлаб чиқиш

3.1. Ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар

Биноларни ташқи тўсиқ конструкцияларни конструктив ечимини танлашда шуни назарга олиш керакки талаб этилган иссиқлик ҳимоясини фақат таркибиغا самарали иссиқлик изоляцияловчи қўп қатламли конструкцияларни қуллаш йўли билан таъминлаш имконияти мавжуд.

Деворларни конструктив ечимини Ш даражали иссиқлик ҳимояси талабларига асосан танлаш лозим.

Бинонинг барча тўсиқ конструкциялари орқали умумий йўқотилган иссиқлик лойиҳавий иссиқдан ҳимояланиш даражаси учун жадвалда белгиланган R_0^{tr} қиймат бўйича ҳисобланган катталиқдан ошмаслиги керак.

Иситиш мавсуми градус-куни D_d , $^{\circ}\text{C}$ *кун, қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим

$$D_{\text{от.пер.}} = (t_b - t_{\text{от.пер.}}) \cdot z_{\text{от.пер.}}, \quad (3.1)$$

бу ерда: t_b – ички ҳавонинг ҳисобий ҳарорати $^{\circ}\text{C}$, мос келадиган бино ва иншоотларни лойиҳалаш меъёрига асосан қабул қилинади;

$t_{\text{от.пер.}}$, $z_{\text{от.пер.}}$ – ўртача ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$, ва $10 ^{\circ}\text{C}$ -дан қўп бўлмаган ўртача кунлик ҳарорат даврининг давомийлиги (ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича), кун.

Ҳисоб учун керак бўлган параметрлар ҚМҚ 2.01.01-94 асосида:

- ташқи ҳавонинг ҳисобий қишки ҳарорати, ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича таъминланганлиги 0,92 бўлган энг совук беш кунлик ўртача ҳароратига тенг $t_h = -16 ^{\circ}\text{C}$;

- иссистиш даврининг ўртача ҳарорати $t_{\text{от. пер.}} = +2.7 ^{\circ}\text{C}$;
- исситиш даврининг давомийлиги $z_{\text{от. пер.}} = 129$ сутка.

Етарли қулайликни таъминловчи ҳароратни $t_b = +22 ^{\circ}\text{C}$ қабул қиласиз.

Шу каби ,

$$\text{ГСОП} = (22-2.7) \times 129 = 2490 \text{ град. x сут.} \quad (3.2)$$

ГСОП қийматига асосан КМК 2.01.04-07* асосида қабул қиласыз:

- расчетное сопротивление теплопередаче по зимним условиям эксплуатации

$$R^{tp}_0 = 2.4 \text{ м}^2\text{°C/Bт};$$

- том ёпмаси учун $R^{tp}_0 = 3.2 \text{ м}^2\text{°C/Bт};$

- дәраза ва балкон эшиклари $R^{tp}_0 = 0.39 \text{ м}^2\text{°C/Bт};$

- фонарлар учун $R^{tp}_0 = 0.31 \text{ м}^2\text{°C/Bт};$

«BASE» 7.6 программа дастури асосида иссиқлик техникаси хисоблари бажарилди.

Хисоб учун ташқи деворнинг конструктив ечими қуйидагича қабул қилинди:

- қалинлиги 12 мм-ли гипсокартонли қоплама;

- керамзитобетонли ташқи девор панели қлинлиги 300 мм;

- ўртача зичлиги 50 кг/м³ Isover – SKL иссиқлик изоляцияловчи материал;

- металлокаркас асосида ташқи тарз бўйича керамогранитли плиталар.

3.1. расмда ташқи деворнинг конструктив ечими келтирилган.




Рис. 3.1. Ташқи тўсиқ конструкцияларни конструктив ечимлари

3.1.1. Тўсиқ конструкцияларни иссиқлик техника бўйича ҳисоби

Исситгич қатламини қалинлигини ҳисоблаш

1. – Бошлангич маълумотлар:

Бино тури - Туарар жой бинолари, болалар ва даволаш муассасалари

Конструкция тури - ДЕВОР

Тўсиқни фойдаланиш шароити:

Ташқи ҳавонинг ҳарорати -16°C

Ички ҳаво ҳарорати 22°C

Исситиш мавсумининг ўртача ҳарорати 2.7°C

Исситиш мавсумининг давомийлиги 129 кун

Тўсиқ тавсифи:

Қатлам сони, қалинлиги м да, Номланиши Қиймати Бирлиги. Ўлчаш
Қатлам материали

1 қатлам: 0.12 Теплопроводность $0.19 \text{ Вт}/(\text{м} \times ^{\circ}\text{C})$ - Гипсокартон

2 қатлам: 0.30 Термик қаршилиги $0.7 \text{ м}^2 \times ^{\circ}\text{C}/\text{Вт}$ – Керамзитобетонли панел

3 қатлам: Нулли

4 қатлам $0.040 \text{ Вт}/(\text{м} \times ^{\circ}\text{C})$ – Isover SKL G=50кг/м³

5 қатлам: Нулли

6 қатлам: Нулли

7 қатлам: 0.08 Иссиклик ўтказувчаник Теплопроводность $3.49 \text{ Вт}/(\text{м} \times ^{\circ}\text{C})$

- Керамогранит

Ички сиртидаги иссиқлик бериш коэффициенти $8.7 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \times ^{\circ}\text{C})$

Ташқи сирти иссиқлик бериш коэффициенти $23 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \times ^{\circ}\text{C})$

Талаб этилган термик қаршилик $2.4 \text{ м}^2 \times ^{\circ}\text{C} / \text{Вт}$.


Тўсиқ конструкциянинг ишлаш режими:

Фойдаланиш; хона режими - Нормал (55%); намлик зонаси - Куруқ

Талаб этилади:

Иссиқлик узатиш шарти бўйича 4-қатлам қалинлиги аниқланади:

2. - Хулося:



4-чи қатламни талаб этилган қалинлиги 0.04 м

Тўсиқнинг талаб этилган термик қаршилиги $2.51 \text{ m}^2 \times \text{°C} / \text{Вт} > 2.4 \text{ m}^2 \times \text{°C} / \text{Вт}$

Тўсиқнинг қатламлар контакт жойидаги ҳарорат:

Ҳароратни ўлчаш нуқтаси. Қиймати. Бирлиги. Ўлчаш

Деворнинг ички сиртида 20.3°C

1 ва 2 қатлам орасида 9.5°C

2 ва 3 қатлам орасида -5.2°C

3 ва 4 қатлам орасида -5.2°C

4 ва 5 қатлам орасида -15.7°C

5 ва 6 қатлам орасида -15.7°C

6 ва 7 қатлам орасида -15.7°C

Деворнинг ташки сиртида -16.0°C

Шудринг нуқтаси ҳарорати 12.56 °C.

Кейин деворнинг иссиқликка чидамлилиги ва хаво ўтказувчанлиги бўйича текширамиз.

3.1.2. Девор конструкциясини иссиқликка чидамлилиги ва хаво

ўтказувчанлиги бўйича ҳисоблаш

1. – Бошлангич маълумотлар:

Бинонинг тури - Тураг жой бинолари, болалар ва даволаш муассасалари

Конструкция тури - Девор

Тўсиқни фойдаланиш шароити:

Ташқи ҳавонинг ҳарорати -16 °C

Ички ҳаво ҳарорати 22 °C

Исситиш мавсумининг ўртacha ҳарорати 2.7 °C

Исситиш мавсумининг давомийлиги 129 кун

Тўсиқ тавсифи:

Қатлам сони. Қалинлиги м-да, Номланиши Қиймати Бирлиги. Ўлчаш.

Қатлам материали

1 қатлам: 0.12 Иссиқлик ўтказувчанлик 0.19 Вт/(м x °C) - Гипсокартон

2 қатлам: 0.30 Термик қаршилиги 0.7 м °C./Вт - Кладка из обычн. кирпича

3 қатлам: Нулли

4 қатлам: 0.05 Иссиқлик ўтказувчанлик 0.040 Вт/(м x °C) – Isover SKL
G=50кг/м3

5 қатлам: Нулли

6 қатлам: Нулли

7 қатлам: 0.08 Иссиқлик ўтказувчанлик 3.49 Вт/(м x °C) - Керамогранит

Ички сиртидаги иссиқлик бериш коэффициенти 8.7 Вт/(м² x °C)

Ташқи сирти иссиқлик бериш коэффициенти 23 Вт/(м² x °C)

Талаб этилган термик қаршилик $2.4 \text{ м}^2 \times \text{°C} / \text{Вт}$.

Тўсиқ конструкциянинг ишлаш режими:

Фойдаланиш; хона режими – Нормал (55%); намлик зонаси – Қуруқ.

Талаб этилади:

Тўсиқнинг иссиқлик узатишга текшириш

Тўсиқ конструкцияси иссиқликка чидамлилигини ҳисоблаш

Тўсиқ конструкциясини ҳаво ўтказувчанликка ҳисоблаш

Июль ойидаги ўртача ҳарорат 27.1 град.

Июль ойидаги ҳавонинг суткали узгариш амплитудаси 23.7 °C

Июль ойидаги шамолнинг минималь тезлиги 1.4 м/с

Йиғма қуёш радиациясини (тўғри ва тарқоқ) мос равища максимал ва ўртача қийматлари, $\text{Вт}/\text{м}^2$, ҚМҚ 2.01.01-94 га асосан, ташқи деворлар учун – ғарбий ориентациядаги вертикаль юзалардаги каби ва қопламалар учун - горизонталь юзалардаги кабидир қабул қилинади;

максимал $744 \text{ Вт}/\text{м}^2$

ўртача $275 \text{ Вт}/\text{м}^2$

Ташқи сиртнинг қопламаси: Керамогранит


Қуёш радиациясини ютиш коэффициенти 0.8

Бинонинг ҳаво тортиш шахтаси тепасигача баландлиги 42 м

Январь ойидаги шамолнинг максималь тезлиги 3 м/с

2. - ХУЛОСА:

Тўсиқнинг иссиқлик ўзатиш қаршилиги **ЕТАРЛИ**



Тўсиқнинг иссиқлик ўзатишни талаб этилган қаршилиги $2.4 \text{ м}^2 \times \text{°C} / \text{Вт}$

Тўсиқнинг иссиқлик ўзатишни ҳақиқий (келтирилган) қаршилиги
 $2.47 \text{ м}^2 \times \text{°C} / \text{Вт} > 2.4 \text{ м}^2 \times \text{°C} / \text{Вт}$

Тўсиқнинг қатламлар контактидаги ҳарорат:

Ҳароратни улчаш нуқтси. Қиймати. Ўлчов бирлиги

Деворнинг ички сиртида	20.2 °C
1 ва 2 қатлам орасида	9.3 °C
2 ва 3 қатлам орасида	-5.5 °C
3 ва 4 қатлам орасида	-5.5 °C
4 ва 5 қатлам орасида	-15.7 °C
6 ва 7 қатлам орасида	-15.7 °C
7 ва 8 қатлам орасида	-15.7 °C
Деворнинг ташқи сиртида	-16.0 °C

Ҳақиқий ҳаво ўтказувчанлик қаршилиги $26935.33 \text{ м}^2 \times \text{ч} \times \text{Па/кг}$

Меъёрий ҳаво ўтказувчанлик қаршилиги $87.47 \text{ м}^2 \times \text{ч} \times \text{Па/кг}$

Бўғ ўтказувчанлик қаршилиги **ЕТАРЛИ**.

Ички сиртида ҳароратни ўзгариш амплитудаси 0°C

Ички сиртини меъёрий ҳароратни ўзгариш амплитудаси 1.89°C

Тўсиқ конструкциянинг иссиқликка чидамлилиги **ЕТАРЛИ**.

Ҳисоблар натижаси асосида иссиқликни сақлаш қатlam қалинлигини 50 мм қабул қиласиз.


Бинониг томи бирлаштирилган шамолатиладиган текис томни ташкил қиласди. Шамоллатиш қатламини баландлиги 500 мм-ни ташкил қиласди.

Шамоллатиш қатlam пастида исситилган ёпма жойлашган.

Бинонинг шамолатиладиган қатlam остидаги ёпманинг конструктив ечимини куйидагича қабул қиласиз:

- қалинлиги 140-160 мм темирбетон ёпма плита;
- қалинлиги 50 мм арматураланган цемент қумли қоришма (стяжка);
- қалинлиги 2 мм буғ ҳимоя қатлами;
- исситгич Isover – 610 КТ қалинлиги 100 мм;
- арматураланган цемент-қумли қоришма (стяжка) қалинлиги 50 мм.

Ёпманинг конструктив ечими 3.2 расмда келтирилган.



3.2 расм. Исситилган томнинг конструктив ечими

3.1.3. Ёпма ва томнинг иссиқлик техника ҳисоби

1. – Бошлангич маълумотлар:

**Бино тури - Жилые дома, детские и лечебные учреждения
Конструкция тури - ЁПМА**

Тўсиқнинг фойдаланиш шароити:

Ташқи ҳавонинг ҳарорати -16°C

Ички ҳаво ҳарорати 22°C

Исситиш мавсумининг ўртacha ҳарорати 2.7°C

Исситиш мавсумининг давомийлиги 129 кун

Тўсиқнинг тавсифи:

Қатlam сони. Қалинлиги, м-да Номланиши Қиймати Ўлчов бирлиги қатlam материали

1 қатlam: 0.22 Иссиқлик утказувчанлик $1.92 \text{ Вт}/(\text{м} \times ^{\circ}\text{C})$ – Темир бетон ёпма

2 қатlam: 0.05 Термик қаршилиги $0.76 \text{ м}^2 \times ^{\circ}\text{C} / \text{Вт}$ – Цемент-қумли қоришма

3 қатlam: 0.002 Термик қаршилик $0.17 \text{ м}^2 \times ^{\circ}\text{C} / \text{Вт}$ - Пергамин

4 қатlam: танлаш Иссиқлик утказувчанлик $0.055 \text{ Вт}/(\text{м} \times ^{\circ}\text{C})$ - ISOVER 610-KT (том қопламаси)

5 қатlam: Нулли

6 қатlam: Нулли

7 қатlam: 0.05 Иссиқлик утказувчанлик $0.76 \text{ Вт}/(\text{м} \times ^{\circ}\text{C})$ - Цемент-қумли қоришма

Ички сирти иссиқлик бериш коэффициенти $8.7 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \times ^{\circ}\text{C})$

Ташқи сирти иссиқлик бериш коэффициенти $12 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \times ^{\circ}\text{C})$

Тўсиқнинг иссиқлик узатишни талаб этилган қаршилиги $3.02 \text{ м}^2 \times ^{\circ}\text{C} / \text{Вт}$


Түсиқ конструкциясининг ишлаш режими:

Фойдаланиш; хона режими - Нормал (55%); намлик зонаси - Куруқ

Амални бажариш талаб этилади:

Иссиқлик узатиш шарти бўйича 4 қатлам қалинлиги ҳисоблансан

2. - ХУЛОСА:



4 қатлам (иссиқлик сақлаш қатлами) талаб этилган қалинлиги 0.1 м

Түсиқнинг ҳақиқий иссиқлик ўзатиш қаршилиги $3.13 \text{ m}^2 \times ^{\circ}\text{C} / \text{Вт}$

Түсиқнинг қатламлар контактидаги ҳарорат:

Ҳарорат ўлчаш нуқтаси. Қиймати Ўлчов бирлиги

Деворнинг ички сиртида	20.6°C
1 ва 2 қатлам орасида	17.9°C
2 ва 3 қатлам орасида	7.2°C
3 ва 4 қатлам орасида	-1.4°C
4 ва 5 қатлам орасида	-15.3°C
5 ва 6 қатлам орасида	-15.3°C
6 ва 7 қатлам орасида	-15.3°C
На наружной поверхности стены	-16.0°C .

Шудринг нүқтаси ҳарорати 12.56 °C

Ҳисоблар натижаси асосида иссиқликни сақловчы материал қалинлигини **100 мм** қабул қиласиз.

3.2. Кўп қаватли энергия самарали турар жой биноларини лойихалаш бўйича тавсиялар

Қишиги ҳамда ёзги даврда яшаш хоналарида қулай микроиклимини сақлаш учун минимал энергияни сарфини таъминлаш кўп қаватли турар жой биноларини ҳажм-тархий ва конструктив ечимларини лойихалашига қутилган асосий талабларини бирини Ўзбекистон Республикасини иқлимий шароитлари аниқлади.

Хонанинг ички ва ташқи муҳитлари орасида иссиқлик оқимини ўзатишини пасайишини таъминлаш учун ташқи тўсиқ конструкцияларни майдонини камайтириш лозим. Тўсиқ конструкцияларни минимал майдонига эришиш учун бинони шаклини оптималлаштириш лозим. Маълум-ки энергетик жиҳатдан самарали сфера шаклидаги лойиха ҳисобланади, лекин кўп қаватли уй жойларда қулланиш имконияти бўлмаганлиги учун, куб ёки тўртбурчак призма шаклини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Иссиқликни актив ажратувчи хоналар турар жойларни хонадонларида энергетик пассив хоналардан алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқ. Ажратувчи ҳажм сифатида холл, йўлак ёки ойнали ёзги хоналар хизмат қиласиди.

Ошхоналардан нохуш ҳидларни яшаш хоналарига тушмаслигини олдини олиш учун автоматлаштирилган ҳавотортгичлардан фойдаланиш лозим.

Ташқи тўсиқ конструкцияларни юқори иссиқлик химоя хусусиятларини таъминлаш учун замонавий иссиқлик изоляцияловчи материаллар, масалан минерал паҳтали плиталардан кўп қатламли девор конструкцияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Кўп қаватли турар жой бинолари том конструкцияси сифатида ёпмаси исситилган шамоллатиладиган текис томларни қуллаш мақсадга мувофиқ. Бу ечим ёзги даврда томни исиб кетиш олдини олиш имкониятини беради, ҳамда ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратади, масалан қуёш батареялари.

Иссиқлик юқолишини олдини олиш ва ҳаво оқимини инфильтрация даражасини пасайтириш учун дераза ва эшиклар конструкцияларини деворни ясси қисмлари билан туташган жойларини ишончли изоляциясини таъминлаш лозим.

Хоналарни ҳаво муҳитини яхшилашини таъминлаш учун кўп қаватли турар жой биноларида вертикал ва горизонтал кукаламзор муҳит назарда тутиш лозим.

Қуёш радиациясини салбий таъсирини пасайтириш учун бинонинг периметри бўйича ёзги хоналар лойиҳалаш назарда тутилиши лозим. Шимол томонга қутбланган деразалардан ташқари тоза ҳавони хонага киришига тўсиқ бўлмайдиган қуёш ҳимоя воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бино атрофи ҳудудини кукаламзорлаштириш ва суғораладиган қилиш лозим.

3 Боб бўйича хулоса:

1. Замонавий жаҳон қурилиш тажрибасига асосланган энергия самарали обьектларни Ўзбекистон Республикаси қуруқ иссиқ иқлим шароитида энергия самарали лойиҳалаш принципларига жавоб берадиган кўп қаватли турар жой биноларини ҳажм-тарҳий ечимлари ишлаб чиқилган.
2. Йилнинг иссиқ ва совук даврида хоналарни қулай микроиқлимини ҳамда бинонинг ташқи қобиғини юқори иссиқлик ҳимоясини таъминловчи ташқи тўсиқ конструкцияларни конструктив ечимлари ҳисоблаш асосида асосланган.
3. Ўзбекистон Республикаси иқлимий шароитларини назарга олинган ҳолда кўп қаватли энергия самарали турар жой уйларни лойиҳалаш бўйича амалий тавсиялар таклиф этилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги 1997 йил 25 апрелдаги Қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари,

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 21 октябридаги ПҚ-2639 сон “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

III. Асосий адабиётлар:

4. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” - Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 12-том, 2008й.

5. Табунщиков Ю. А., Бродач М.М. Научные основы проектирования энергоэффективных зданий.

6. Путятинский В. А. “Ведомственный свод правил ВСП43-02-05. “Правила проектирование объектов военной инфраструктуры” М.: Мудофаа вазирлиги нашриёти.- 2005й.- 93бет.

7. Жуков А.Д. “Технология теплоизоляционных материалов”. Ўқув қўлланма. М.: МДҚУ, 2011. 1, 2 қисм.

8. Маракаев Р. Ю., Норов Н.Н. “Ўзбекистон шароитида энергия-самарали биноларни лойиҳалаш”. Ўқув-услубий қўлланма. Т.:2009й.

9. Аведов Р.Р., Орипов А.Ю. “Иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш куёш системаси” Т.: Фан, 1988й.

10. Ахмедов Р.Б. “Ноанъянавий ва янги ҳосил бўладиган энергия манбалари” М.: Билим, 1988й.

- 11.** Зохидов М.М., Норов Н.Н. “Энергия тежамкор турар–жой бинолари”. Ўқув қўлланма. ТАҚИ. 2009й.
- 12.** Юсупов Р.А. “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш асослари”, ўқув қўлланма. Т.: ТАҚИ, 2013й.
- 13.** Кучкаров Р.А. Маракаев Р.Ю. Норов Н.Н. “Биноларни лойиҳалашнинг физика – техникавий асослари”. Т.2005 й.
- 14.** Қосимов Э. Курилиш ашёлари, Тошкент, 2004 й. (385-396 бетлар).
- 15.** БМТ ТД-ГЭФ нинг “Ўзбекистонда ижтимоий аҳамиятдаги бинолар энергия самарадаорлигини ошириш” лойиҳаси. Электрон журнал.

IV. Меърий ҳужжатлар:

- 16.** ҚМҚ 2.01.01-97* “Курилишда иссиқлик техникаси”. Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 20011й.
- 17.** ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий–геологик маълумотлар”. Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 1994й.
- 18.** ҚМҚ 2.04.05 – 97 “Иситиш, шамоллатиш ва кондициялаш”. Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 2011й.
- 19.** ҚМҚ 2.01.18-2000* “Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари” . Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 2012й.
- 20.** ҚМҚ 2.03.10 – 95 “Томлар ва тўшамалар” . Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 2011й.
- 21.** ҚМҚ 2.08.01 – 05 “Тураг жой бинолари” . Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 2006й.
- 22.** “Энергия сарфи янги меъёрларни инобатга олиб биноларни лойиҳалаш бўйича қўлланма” . Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 2012й.
- 23.** “Жамоат биноларида энергия тежамкор ечимларни лойиҳалаш бўйича қўлланма” . Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 2012й.
- 24.** “Иссиқлик техникаси бўйича янги энергия тежамкор ечимларни лойиҳалаш бўйича қўлланма” . Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 2012й.

25. “Энергия самарадор бинолар томларини лойиҳалаш бўйича қўлланма” .
Т.: ЎзР Давархитектқурилишқўмитаси, 2012й.

V. Интернет сайтлари:

- 26.** <https://tutknow.ru/building/uteplenie/6370-obzor-keramzita.html>
- 27.** <http://litebeton.ru/penobeton/dostoinstva-i-nedostatki-penobetona>
- 28.** <http://kladembeton.ru/vidy/penobeton/zalivka-krovli-penobetonom.html>
- 29.** <http://o-cemente.info/vidi-betonnih-smesej/plyusy-i-minusy-penobetona.html>
- 30.** <https://www.c-o-k.ru/review/samye-izvestnye-v-mire-energoeffektivnye-zdaniya>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ



**“ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ВА МАҲДАЛӢӢ ХӮМ АШӢЛАР
АСОСИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, БҮОМЛАРИ ВА
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАВ ЧИҚАРИШНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

14-15 декабря 2018 йил

**МАТЕРИАЛЫ
РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ
(“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВА СТРОИТЕЛЬНЫХ
МАТЕРИАЛОВ, ИЗДЕЛИЙ И КОНСТРУКЦИЙ НА ОСНОВЕ
ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩИХ И МЕСТНОГО СЫРЬЯ”)**

14-15 декабря 2018 год

ТОШКЕНТ – 2018

Проблемы развития производства строительных материалов, изделий и конструкций на основе энергосберегающих и местного сырья: Материалы Республиканской научно-технической конференции, Ташкент, 14-15 декабря 2018 г. / М-во строительства РУз, ТАСИ. – Ташкент: ТАСИ, 2018. – 293 с.

Энергия тежамкор ва маҳаллӣ ҳом ашёлар асосида курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чикариши ривожлантириш муаммолари: Республика илмий-техникавий конференция материаллари, Тошкент, 14-15декабрь2018 й./Ўз.Рес.Курилиш вазирлиги, ТАҚИ. – Тошкент: ТАҚИ, 2018. – 293 б.

Статьи*, включенные в сборник трудов Республиканской научно-технической конференции, посвящены интеграции науки и производства в области разработки прогрессивных технологий получения энергосберегающие строительные материалы и изделий из них, обобщению результатов исследований, анализу состояния и перспектив развития приоритетных направлений по разработке новых энергосберегающие материалов, изделий и конструкции их получения и промышленного внедрения в производство.

Сборник предназначен для ученых и исследователей, старших научных сотрудников-исследователей, магистров, бакалавров, инженерных работников предприятий, научно-исследовательских институтов, учреждений, ведомств, занимающихся вопросами разработки, технологии получения, исследования и применения энергосберегающие строительные материалы, изделий и конструкции.

Республика илмий-техникавий конференцияси материаллари тӯпламига киритилган илмий маколалар энергия тежамкор курилиш материаллари ва улардан буюмлар олиш технологияларини яратиш соҳасида фан ва ишлаб чикариш интеграцияси, тадқикот натижаларини умумлаштириш ҳамда янги энергия тежамкор курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чикиш ва уларни олиш технологияларини яратиш холатлари ва устувор йўналишларни истиқболли ривожлантириш таҳлили ҳамда ишлаб чикариш саноатига жорий килишга багишлиланган.

Илмий тӯплам энергия тежамкор курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чикиш, тадқик қилиш ва қўллаш масалалари билан шугулланувчи олимлар ва тадқикотчилар, катта илмий ходим-тадқикотчилар, магистрлар, бакалаврлар, корхоналар, илмий – тадқикот институтлари, муассаса ва ташкилотларнинг муҳандис-технолог ходимлари учун мўлжалланган.

*За предоставленный информационный материал ответственность полностью возлагается на авторов.

Редакционная коллегия: Р.Р.Ҳакимов, А.У.Мирисаев, Р.И.Нуримбетов,
Х.А.Акрамов, Э.У.Қосимов, Н.А.Самигов,
У.А.Газиев, З.М.Сатторов, М.Т.Турапов,
Х.Х.Комилов, Т.Т.Шокиров, Ш.Т.Рахимов,
А.Б.Сайдуллаев, А.А.Мухамедбаев.

©Тошкент архитектура курилиш институти, 2018

ТУРАР-ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИ ҚУРИШДА ТОМБОП МАТЕРИАЛЛАР

*асс. Мингяшаров А.Х., маг. Асатов Н., Бахриддинов Ш. (ЖизПИ),
асс. Суюнов Ш.А. (ТАҚИ)*

Бино томларининг ҳар бир шакли ўз тарихига эга, улар муайян тарихий, маданий ва иқтисодий мухитда пайдо бўлган ва ўз даврига мос меъморчилик-бадий услублари, у ёки бу ҳудуддаги ҳаёт тарзи ва иқлим шароитларига бевосита мос келган.

Том $45\text{--}60^{\circ}$ қиялиқда ёпилган. Бундай уйлар Европа, Балтика давлатларида ҳозирги кунгача ҳам сақланиб қолган.

Меъморчиликда, айниқса дунёнинг Европа қисмida - ибодатхона, қаср, жамоат биноларни қуришда – томлар, иморатнинг бошқа қисмлар каби ҳар доим умумий ғояга мос келган, муайян бадий ёки диний ғояни ифодалашда иштирок этган ва кўпинча шартли белгилар сифатида намоён бўлган. Бу асосан ибодатхона иморатларига тегишли: ибодатхонанинг гумбази осмон билан тенглаштирилган, готика услубидаги соборларнинг баланд миноралари юқорига, динларни асос солувчиларга интилиш сифатида ифодаланган, будда дини ибодатхонасининг кўп қаватли томи эса руҳий юксалиш йўлидаги зиналарнинг рамзи бўлган.

Шуни таъкидлаш лозимки, асосиз мураккаблаштирилган томнинг тузилиши уни қуриш, кўллаш ва таъмиrlашда бир қатор қўшимча қийинчиликларни вужудга келтиради ҳамда ашёларнинг сарфини сезиларли даражада оширишга олиб келади.

Уйни эсда қоларли ва жонли қилиш учун фақатгина мураккаб шакл ва кўп меъморчилик ашёлардан фойдаланиш кифоя қилинмайди. Том умумий меъморчилик ғоясининг бир қисми, бутун уйнинг ташки кўриниши ҳамда атроф мухитнинг манзараси билан яхши мослашиши лозим.

Улар турли шакллар, қиялик бурчаги, ашёлари, қуриш технологияси билан фарқланади . Энг кенг тарқалган том шакллари қуйидагилар:

қиялик даражаси ўн градусгача бўлган қияли шалқдаги том;

қиялик даражаси икки ярим беш градусгача бўлган ясси том.

Биринчи гурухга кирган барча қияли томлар, ўз навбатида, бир нечта турли гурухларга бўлиниши мумкин.

Улар қуйидагилар:

- кўпинча хўжалик иморатлар учун қўлланиладиган бир қиялик томлар;
- чодирсимон, мураккаб, эгилган ва бошқа шаклдаги (улар тўғрисида кейин гап юритилади) томлар кирадиган икки қиялик ва кўп қиялик томлар.

Иситиш мосламалар билан жиҳозланган чердаклар ҳам мавжуд. Улардан турли усулларда фойдаланилади. Айрим ҳолларда чердак ўрнига кўшимча турар хона – мансарда курилади.

Темир черепица — варак тўшама тунка кўринишдаги юпқа пўлат, алюминий ёки мисдан тайёрланган, полимер бўёқ қатлами билан қопланган, совук босим ёрдамида маҳсус ишлов берилган (профилланган) томбоп ашё ҳисобланади. Пўлатдан тайёрланган черепица қиялик бурчаги 14° та тенг бўлган шароитда том ёпиш учун қўлланилади. Том ёпишнинг ушбу туридан -50°C дан $+50^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳаво ҳароратида атроф мухитнинг заарсиз ёки кам заарли шароитларда фойдаланиш тавсия этилади.



Пўлат черепицанинг умумий оғирлиги 1 m^2 ҳисобида тахминан 5 кг ни ташкил этади (такқослаш учун: сопол – 38-40 кг, шифер – 10-15 кг).

Сопол черепица — томбоп дона ашё ҳисобланади. Черепица сопол, термопласткомпозитдан, цемент-қумли аралашмаси (цемент-қумли черепица) ёки оҳак-қумли аралашмасидан (силикат черепицаси) тайёрланади. Энг кўп тарқалгани сопол черепицаси ҳисобланади, у пластик осон эрийдиган созупроқ (айрим ҳолларда шамот - оловда пиширилган оқ лойни кўшган ҳолда) дан тайёрланади. Черепицанинг афзалиги – ундан узок муддатда фойдаланиш мумкин, музлашга ва оловга бардошли, сувни ўтказмайди, экологик тоза, кам эксплуатацион харажатларни талаб қиласи, биологик таъсиррга чидамли, ёмон об-ҳаво пайтида шовқин чиқармайди, 100 йилдан ортиқ фойдаланиш муддатига эга. Унинг камчиликлари – мўртлилиги ва нисбатан оғир (1 квадрат метр том юзасига 60 кг юк тушади); одатда черепицадан фойдаланганда том сув окиш учун тик (30° дан ортиқ) қияликка эга бўлиши лозим, аммо черепицаларнинг замонавий моделларда қиялик бурчаги анъанадан кўра камроқ (10° тacha) ўлчамда бўлиши мумкин.



1-расм. Түрли томларни архитектуравий шакли

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.«Архитектура ашёшунослиги» Қосимов Э. У, Низомов Т А. Т-2014
- 2.Эрнст Нойферт. «Строительное проектирование» Москва: Стройиздат,
- 3.www.metallprofil.by/ru.wikipedia.org/wiki/Черепица

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Кат.үқит.Маматкулова Н.М., маг. Исмоилова Ш.Ш.,

тал. Хұжасқулова Н.Х.

Тошкент архитектура қурилиш институты

Замонавий қурилиш технологиялари жадал ривожланмоқда ва муайян мақсадларда вазифаларни бажармоқдалар. Бужараён ресурсларнитеңе жаңа, экологик хавғасызлық, вакт оралиғидеги ташки мувоғиқлик, чидамлиликтің бошқаларни үзічига олади. Замонавий қурилиш технологиялари яратылған маңсулот сифатини оширади ва ишлаб чиқарувларнинг обрүсіні ошишига хизмат қыладылар ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш қурилиш жараёнининг тезлигини ошишига ёрдам беради.

Таъмир лойиҳа ва самарали физик – техник асослар.

Илмий раҳбар .Матниязов Б.И., маг. Асатов Н.У. (ЖизПИ)

Шу кунга қадар қурилган аксарият майдага элементли биноларнинг ташқи тўсиқ конструкцияларининг қалинлиги 380 мм бўлиб, юк кўтарувчи конструкция сифатида мақбул бўлсада, ташқи тўсиқ конструкцияси сифатида мақбуллиги ҚМҚ 2.01.04-97* “Курилиш иссиқлик техникаси” Тошкент, 2011 йил талабларига мос келмайди [1]. Бу бинога ортиқча энергия сарфланишига олиб келади.

Хозирги даврда бутун дунёда табиий энергия бойликларини тежаш долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон миқёсида эса мамлакат энергия истеъмолининг деярли ярми биноларни энергия манбаига тўғри келади.

Шунинг учун ҳам таъмир лойиҳа ишларини бажаришда бинолар энергия самарадорлигини ошириш мақсадида, уларнинг ташқи тўсиқ конструкцияларини иссиқлик-физик ҳисоблари натижасида амалга оширилади.

Иссиқлик-физик ҳисоблар натижасида бинонинг ташқи тўсиқ конструкциялари учун замонавий энергия самарадор қурилиш материаллари ва қурилмалари танлаб олинади. Бунда KNAUF гипсокартон қопламаларининг роли юқори ва мақбулдир [3]. Натижада бино хоналарида меъёрий микроиқлим яратилади.

Бинонинг ташқи тўсиқ конструкцияларини самарали қалинлиги аниқланади.

Бундан ташқари ҚМҚ 2.01.04-97* талабларига асосан илгари қурилиб ишлатилиб келаётган бино ва иншоотларни капитал ва жорий таъмирлашда иссиқлик ҳимоясини ошириш лозим бўлади.

Ташқи тўсиқ конструкцияси сифатида деворнинг мақбул ёки мақбул эмаслигини аниқлаб, биноларни таъмирлаш ёки реконструкция қилиш жараёнларида мақбул бўлмаган холатларини бартараф қилишга тўғри келади.

2011 йил апрел ойида Бухорода гипсакартон қопламаси каби замонавий материаллар ва қурилмалар ишлаб-чиқарилишининг йўлга қўйилиши ва кўламининг оширилиши янги типдаги уй-жойларни қисқа муддатда сифатли қилиб қуриш билан бир қаторда биноларда таъмирлаш ишлари имкониятлари эшигини янада кенг очиб берди.

Бино энергия самарадорлиги тўғрисида гап юритилганда лойиҳалаш, қуриш, материаллар ишлаб чиқариш ва биноларни эксплуатация қилиш жараёнидаги таъсирлар кўп камчилик ва нуқсонларни келтириб чиқариш билан боғлиқ бўлади.

Бинонинг энергия самарадорлигига таъсир қилувчи омилларга лойиҳалаш жараёнида бино орентациясини нотўғри қабул қилиш, ишлаб-чиқариш босқичида конструкциялардаги нуқсонлар, қурилиш босқичида сифатсиз материалларни қўллаш ва чоклар орасини тўлдирмаслик ва эксплуатация жараёнида ташқи тўсиқ конструкцияларида ёриқларнинг пайдо

бўлиши ва х.к. бинонинг физик-техник хусусиятларига ўз таъсирини ўтказади.



KNAUF гипсокартон қопламаларини қўллаб ташки тўсиқ конструкцияларини ҚМК 2.01.04-97^{*} талабларига мослаш.


Биноларни таъмир жараёнида ҚМК 2.01.04-97^{*} талабларига мослаш учун бинонинг ташки тўсиқ конструкцияси ички томонда ҳаво бўшлиғи қолдирилиб гипсокартон билан қопланса, деворни ташки тўсиқ конструкцияси сифатидаги физик – техник хусусиятларини таъминлашга эришилади. Девор билан гипсокортон қопламаси орасидаги масофа теплотехник ҳисоб асосида 50, 75 ёки 100мм қабул қилиниши мумкин. Оралиқ масофа 50 ёки 75 мм бўлганда гипсокартон остига шиша толали пахта ёки пенополистрол билан тўлдирилиши мумкин [2]. Юқорида келтирилган оралиқларда гипсокартон қопламасини деворга маҳкамлаш учун маҳсус ишлаб чиқилган металл қистиргичлар ва шрафтлар қўлланилади. Металл қистиргичлар орасидаги масофо бино эни ва баландлигига боғлиқ равишда 300, 400 ва 600мм қабул қилиниши мумкин.

Гипсокартонни бино ички томонидан қўйиш ҳисобига юздан камроқ ютқизилса ҳам, камида, ҳар 3 йилда бажариладиган ички пардоз ишларига кетадиган маблағ тежалади ҳамда деворнинг ички томонида кондензат ҳосил бўлишининг олди олинади.


KNAUF гипсокартон қопламаларидан биноларни таъмирлашда физик-техник хусусиятларини ошириш билан бир қаторда қўйидаги афзалликларга ҳам эришилади:

- меҳнат ҳаражатларини қисқартиради;
- пойдеворга тушадиган юкларни камайтиради;
- иш сифати юқори аниқликда бажарилади;
- «хўл-нам» жараёнларни минимал даражага олиб келади;
- техник мақбуллаштирилган конструкцияларни яратиш имкониятини беради;

- конструкцияларнинг теплотехник ва товуш изоляцияси хусусиятларини яхшилади;
- интеръер меъморий ечимларни яхшилашга эришилади;
- зарур бўлганда, демонтаж ишларида кам меҳнат сарфланади.



Ташқи деворни ички сиртидан ҳаво қатламли конструкциянинг ҳисобий схемаси.



Ташқи деворни ички сиртидан пенополистрол ва ҳаво қатламли конструкциянинг ҳисобий схемаси.

Талабалар иштирокида олиб борилган тажрибалар ва тадкиқот натижалари шуни кўрсатдики, девор тўсик конструкциялари материаллари ва унинг қалинликлари аниқ бўлганда турли қурилиш худудлари учун KNAUF гипсокартон қопламаларини қўллаганда иссиқлиқ техникаси ҳисбларидан келиб чиқиб конструкциянинг иссиқлиқ ўтказишга умумий қаршилигининг, конструкция учун иссиқлиқ ўтказишга қаршиликнинг талаб этилган қийматидан катта ёки тенглик шартининг бажарилиши инобатга олинган холда гипсокартон қопламаси билан девор орасидаги ҳаво бўшлигини ёки улар орасида ётқизиладиган иссиқ совук изоляцияси материалларини қалинликлари қийматлари номенклатурасини тузишга имкон яратилади [1].

Ташқи деворни ички томонидан ҳаво қатлами қолдириб гипсокартон қопламаси билан қопланганда бинони энергия самарадорлиги ошиши билан бир қаторда, ёз фаслида уни ортиқча исиб кетиши олдини ҳам олади.

Адабиётлар рўйхати.

1. ҚМҚ 2.01.04-97* Қурилиш иссиқлиқ техникаси. - Тошкент. 2011 йил. -98 б.
2. Шукуров F.Ш., Саттаров И.С., Мусаев Ш.М. Таъмирлаш жараёнида иссиқлиқ ҳимояси керамзит бетондан иборат ташқи деворнинг ташқи сиртидан пенополистрол билан оширилган ҳаво қатламли